Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 181 (20. 748) • 1990 йил 10 август, жума • Баҳоси 3 тийин.

ОЛТИТА ЙЎЛДОШ УЧИРИЛДИ

1990 йил 8 август куни Совет Иттифоқида Ернинг сунъий йўлдошлари: «Космос—2090», «Космос—2091», «Космос—2092», «Космос—2093», «Космос—2094» ва «Космос—2095» учирилди. Барча йўлдошлар битта ракета учирувчиси — «Циклон» ёрдамида орбитага олиб чиқилди.

(ТАСС).

• *Нуқтаи назар*

СОБИТ-ҚАДАМЛИК БИЛАН

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ ФАРМОНИНИ ЎҚИГАНДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

Ризқи-рўзимиз қишлоқда яратилади. Қишлоқ бизни едиради, ичиради, қолаверса, тўла маънода кийинтиради ҳам. Бунинг устига жумҳурият аҳолисининг кўпчилик қисми қишлоқларда яшаса-да, улар катта миллий даромад ҳосил қилсалар ҳам ночор яшаб келмоқдалар. Айни шулар энг оддий ҳаётий қулайликлар ва фаровонликлардан четда қолиб келаётирлар. Ўзбекистон ССР Олий Советининг шу йил март ойида бўлиб ўтган биринчи сессиясида: «Бу аҳволга бундан буён чидаб бўлмайди, қишлоқ аҳолиси ҳукуматдан бу борада олға томон дадил қадам қўйишни кутишга ҳақлидир» деб алоҳида таъкидланди.

Гап ерда қолмади. Орадан тўрт ой ўтиб Ўзбекистон ССР Президенти муборак Фармонга имзо чекди. **«Қишлоқни ижтимоий жиҳатдан обод қилишда юз берган катта қолоқликни бартараф этиш юзасидан амалий чора-тадбирларни бажариш мақсадида,** — дейилади ушбу Фармонда, — **республика қишлоқ аҳолисини 1990—1992 йилларда ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш давлат дастурини қабул қилиш зарур, деб ҳисоблайман».**

Бу — жумҳурият ҳукумати халқнинг эзгу орзу-умидларини рўёбга чиқаришга қодир, шу йўлда собиткадамлик билан ҳаракат қилаётганлигининг яна бир ифодаси, дегимиз келади. Дарҳақиқат Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди жумҳуриятда истиқомат қилаётган ҳар бир киши ва ҳар бир оиланинг фаровонлиги, бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилишни ўзининг жонажон бурчи деб ҳисоблагани бежиз эмас. Партия съезди белгилаб олган йўл халқчил, қатъий эканлиги кўз ўнгимизда қадам-бақадам намоён бўлиб бораётганлиги кўнгилга ёқимли таскин бағишлайди.

Эҳтимол, таскин дейишимиз баландпарвозроқ эшитилаётгандир. Лекин бунга асослар бор. Ёлчиб сув ичмасак. Алмисоқдан қолган йўсинда овқат тайёрлашга кўникиб кетганмидик ё тоқат-қаноат қилиб келдикми? Тўғриси, шундай яшашга мажбур бўлиб қолгандик. Бу яқингинада бўлган расмий йиғинларда тан олинди. Жумладан, қишлоқ аҳолисининг қарийб ярми бундан 100 йил илгаригидек ҳануз ариқдан сув ичиб тургани ачинарли ҳол эмасми! Ёки газлаштиришдаги аҳволга назар солайлик. Қишлоқларимиздан йўғон-йўғон газ қувурлари ўтган бўлса ҳам, иссиқ овқат ҳамон бир вақтлардаги каби тезак ва янтоқ ёқиб пиширилятти.

Аччиқ бўлса-да, ҳақиқат бу. Борига-барака, деб яшаб келинди. Шу аҳвол инобатга олинганига — қишлоқ жойларида ичимлик сув таъминоти ва газлаштиришни жадал ривожлантириш бўйича ҳукумат белгилаётган режалар амалга оширила бошлаганига шукур қиламиз. Фармонда мана бундай дейилади: «Ўзбекистон ССР Министрлар Совети мазкур масала юзасидан тегишли қарор қабул қилсин, қишлоқ аҳолисини марказлаштирилган тарзда сув ва табиий газ билан таъминлашни тубдан кўпайтиришни кўзда тутсин. Кўрсатилган даврда 1,7 миллион қишлоқ аҳолисига водопровод тармоғидан ичимлик сув ва қишлоқдаги 330 мингта уй-жой ҳамда квартирага табиий газ бериш таъминлансин. Шу мақсадда сув билан таъминлаш ишлари ҳажми 3 баравар ва газлаштириш ишлари ҳажми 4 баравар оширилсин».

Ана шу дадил режа ташна кўнгилга таскин беради, албатта. Бизнингча, бу — қуруқ даъват эмас. Армон билан яшаб келган қишлоқ аҳолиси турмуш маданиятини ошириш, фаровонлигини кўтариш юзасидан кўрилаётган нақд тадбир бу. Буни ҳаётга тадбиқ этишнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш тартиби Фармонда аниқ кўрсатиб берилдики, унда совет ва хўжалик идоралари зиммасига долзарб вазифалар юкланди. Бунинг учун жумҳуриятга газ ва водопровод тармоқларини қуришга қўшимча моддий-техника ресурслари жалб этиш зарур. Қўшимча ресурслар топиш анчайин осон иш эмас. Бунинг учун мамлакатнинг бошқа минтақалари билан мулоқот қилиш, шартномалар имзолаш талаб қилинади. Шу тадбир қанча тез амалга оширилса, шунча яхши.

Яна бир гап бор. Буйруқ билан иш битириш замони ўтмишга айланган бугунги кунда аҳолини сув ва газ билан таъминлаш дастурини рўёбга чиқаришда қатнашаётган меҳнат жамоалари ташаббуси рағбатлантириб бориладиган бўлди. Рағбатлантириш эса масалаларни тезроқ, ўзаро фойдалироқ тартибда амалга ошириш имкониятларини яратиб беришига умидворликни оширади. Бошқа зарур тадбирлар ҳам қўлланилиши фойдали. Бу мўлжалланаётган катта ишни молиявий ва моддий-техникавий ресурслар билан кўламли таъминлашга шарт-шароитлар яратиб беради.

Ижрони назорат қилиб бориш муддати равшан белгилаб қўйилгани ҳам кўнгилни кўтаради. Фармонда Ўзбекистон ССР Президентига жумҳурият қишлоқлари аҳолисини ичимлик сув ҳамда табиий газ билан таъминлашни яхшилашга қаратилган дастур қандай бажарилаётгани ҳар йили бир марта маълум қилинадиган бўлди. Яъни жумҳурият Министрлар Совети 1991—1993 йилларда ҳар январь ойида Президентни бу ишларнинг аҳволидан хабардор қилиб бориши одатга киритилди.

Ниҳоят, ўзимизга келдик — жумҳурият партия ва ҳукумати одамлар манфаати дея астойдил қайишадиган бўлди. Одамлар дардига қулоқ солиш умидларни рўёбга чиқариш сари қўйилган изчил қадамлар яхши нишоналар бераяпти. Планплан деяверибми, ижтимоий соҳани унутиш барҳам топяпти. «Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутни йўқотамиз», деган баландпарвоз шиорлардан ҳафсаласи пир бўлган жумҳурият фуқаролари қишлоқ аҳолиси фаровонлиги ҳақидаги дадил амалий қадамлардан миннатдор бўлаётгани табиий.

Бироқ баъзи гумонлар ҳам йўқ эмас. Қишлоқ аҳолисини ичимлик тоза сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш жуда катта масала. Бу тадбирни амалга оширишнинг турли мураккаб қирралари бор. Бунда бизнингча, қуйидагилар алоҳида эътиборни талаб этади.

— Жумҳурият Яйлов-мелиорация бирлашмаси «Узагрострой»дан олиниб, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат кооператив комитетига, Иттифоқ қарамоғидаги «Ўзбекгаз» бирлашмаси ва «СредазНИИГипрогаз» лойиҳа институти жумҳурият ихтиёрига — Ўзбекистон ССР Уй-жой-коммунал хўжалиги вазирлиги таркибига ўтказилиши яхши. Лекин корхона-ташкилотларни биридан олиб, иккинчисига бирлаштираверишдан жамоатчилик зада бўлган. **Истагимиз шуки, янги қўшилган корхона-ташкилотлар фаолияти биринчи қадамлариданоқ самарали бўлиши устидан манфаатли назорат ўрнатиш лозим. Шундай қилинмаса: «Ўзимиз энди ташкил топдик», «ўзимизни эплаб олайлик...» деган мужмал фаолият билан элни сувга ва газга бисёр қилиб бўлмайди.**

Яна бир гап. Бу, тажриба-ташаббус ва йўл қўйилган хатолардан сабоқ чиқариш ҳақида. Газлаштириш ва ичимлик сув билан таъминлаш борасида тўпланган тажрибани саралаб олишимиз, энг самаралисини ҳаётга кенг тадбиқ этишимиз керак. Акс ҳолда Туямўйин — Нукус водопроводи қурувчилари бошига тушган ташвиш такрорланиши хавфи бор. Негаки, бу объектнинг ишга тушиш муддати бир неча бор барбод бўлди. Шу йил май ойида эса бир участкадаги носозлик панд берди. **Ҳамон Нукусни ичимлик сув билан таъминлаш муаммоси ҳал бўлгани йўқ.**

Қишлоқларни сув ва газ билан таъминлаш долзарб вазифа қилиб қўйилгани рост. Аммо унга зарур бўлган қувур масаласи узил-кесил ҳал бўлгани йўқ. Миш-мишларга қараганда, Бекобод металлургия заводида шундай қувурлар тайёрлаш йўлга қўйилармиш. Баъзи кишиларнинг айтишича, Бекобод қувурлари Тошкент вилояти эҳтиёжига ишлатилармиш. Яна бошқалар уриб енгадики, металлургия заводида тайёрланган қувур жумҳурият вилоятларига шартнома бўйича берилар экан. Биз унисига бўлсин-у, бунисига берилмасин, деган мулоҳазадан йироқмиз. Нима бўлганда ҳам ўз юртимиз манфаатларига ярагани маъқул. Лекин бундан жамоатчилик очиқ хабардор қилиниши зарур.

Ва ниҳоят, «Совет Ўзбекистони» рўзномаси қишлоқ аҳолисини сув ва газ билан таъминлаш масаласининг моҳиятини эътиборга олиб, бу соҳада амалга оширилаётган ишларнинг боришини ўз саҳифаларида мунтазам ёритиш юзасидан оталиқ қилишни лозим топди. Рўзномамиз муштарийлари Ўзбекистон қишлоқларидаги ичимлик сув ва газлаштириш тармоқлари ишидаги ибратли тажрибалар, юзага келаётган муаммолар ҳақида ёзиб турадилар, дея умид қиламиз.

Жўра ХОЛҚОСИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» рўзномаси саноат, қурилиш ва транспорт бўлими мудири.

ЖУМҲУРИЯТИМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

Деҳқончилик хабарлари

ТЎҚҚИЗ ОЙЛИК РЕЖА ТАЙЁР

● Қизилтепа районидаги «Партия XXII съезди» колхози чорвадорлари шу йилнинг 9 ойлик режасини бажаришди. Улар давлатга пландаги 20 тонна ўрнига 45 тоннадан знёд гўшт сотиб, 9 ойликда белгиланган режани уддалашди. «Оқ чашма» соҳиблари ҳам юксак унум билан меҳнат қилишаётир.

Б. МАНСУРОВ.

ҲОЗИРЛИК ҚИЗҒИН

● Айни кунларда Қамаши ноҳиясидаги «Марксизм» колхози чорвадорлари қишловга тайёргарликни авж олдириб юборишди. Бу йил хўжаликда ем-хашак жуда кўп бўлди. Ҳозиргача 1200 тоннадан знёд сомон йиғиштириб олинди. 500 тонна пичан тайёрланди. 1000 тонна сенаж бостирилди. Умуман, бу йил 2000 тонна сомон, 2500 тонна сенаж, 500 тонна силос, 1500 тонна беда пичани тайёрлаб қўйиш режалаштирилган.

Аҳолининг шахсий молларн учун ем-хашак тарқатиш ҳам авжида. Шунисн диққатга сазоворки, ўтган йили ҳар бир оилага 1 тоннадан сомон тарқатилган бўлса, бу йил ушбу кўрсаткич 2 тоннадан знёд бўлади.

Қишлов учун мўл озуқа жамғаришда З. Муқимов, Ж. Ҳолиқулов каби механизаторлар, Б. Эргашев, Н. Суюнов каби тележкачилар кўпчиликка ибрат бўлишаётир. С. Мирзаев, К. Абдунабиев, Ж. Бердимуродов бошлиқ бедачилик звенолари бедадан мўл ҳосил олишмоқда.

С. ОСТОНОВ.

ОЗУҚА МЎЛ БЎЛАДИ

● Паркент ноҳиясидаги «Паркент» давлат хўжалиги жамоаси айни кунларда чорвачиликни янада ривожлантириш учун ҳаракат қилаётир. Айниқса, аҳолининг шахсий чорва молларини кўпайтириш ва уларни озуқа билан таъминлаш кўнгилдагидек давом эттирилмоқда. Жумҳуриятимиз Президентининг Фармонидан сўнг аҳолига 32 та қорамол сотилди. Умуман бу йил хўжалик бўйича аҳолига минг тоннадан знёд ем-хашак сотиш мўлжалланган. Озуқанинг нархи ҳам арзон. 30—50 сўмдан ошмайди. Яна бир қулайлиги шу бўлдики, хўжалик далаларида ўсган ўт-ўланларни ўриб олган кишилар авваллари пул тўлашарди. Энди эса бунга бир тийин ҳам тўлашмаяпти.


А. ҚОРАБОЕВ.

ДЕЛЕГАТ ИБРАТИ

● Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди делегати Маъсуда Қурбонова Косонсой районидаги Куйбишев номли жамоа хўжалигининг илғор сут соғувчиси. У ҳар йили режаларни ортиғи билан уддалаб, мусобақада пешқадамлик қилаётир. У бу йил боқимидаги 20 бош сигирнинг ҳар биридан 2500 килограммдан серқаймоқ маҳсулот олишни мўлжалламоқда.

Суратда: Маъсуда Қурбонованн кўриб турибсиз.

П. АКБАРОВ олган сурат.



АСОСИЙ ЭЪТИБОР — ДОЛЗАРБ ИШЛАРГА

7 август куни КПСС Марказий Комитети Секретариатининг навбатдаги мажлиси бўлди

Қайта қуриш жараёнларининг авж олдирилаётганлиги, ўртага қўйилган муаммоларнинг янгилиги, жамиятнинг сиёсий тафаккури ўсаётганлиги КПССнинг янги мавқеи, унинг янгиланаётганлиги тўғрисидаги масалани ўткир қилиб ўртага қўйди. Ана шу янгиланишда партиянинг куч-қудрати ҳамда давр, қайта қуриш талабига аниқ-равшан жавоб бера олиш имконияти энг кўп даражада намоён бўлади.

Шу йилги ҳосил учун кураш КПСС XXVIII съездининг қишлоқни, озиқ-овқат бозорини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан жадал ривожлантириш тўғрисидаги қарорларига аниқ-равшан жавоб бўлиб, партиянинг деҳқонлар орасидаги обрў-эътиборини мустаҳкамлашга кўмаклашади. Ўрим-йиғимни муваффақиятли ўтказиш озиқ-овқат маҳсулотлари ресурслари билан боғлиқ аҳволни бирмунча яхшилашга ёрдам беради.

КПСС Марказий Комитети Секретариатининг навбатдаги мажлисида иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва вилоят партия комитетларининг ўрим-йиғим мавсуми муваффақиятли ўтказилишини таъминлашга ёрдам берадиган ташкилотчилик ва сиёсий ишлардаги иштироки масаласи ҳар томонлама муҳокама қилинганлиги бежиз эмас.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет котиби Е. С. Строев ана шу масала юзасидан ахборот берди.

Масала муҳокама қилинган чоғда мамлакат Президенти, КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачевнинг Мурожаатида баён этилган талабларга биноан халқ депутатлари Советлари, уларнинг ижроия органлари, партия комитетлари, Иттифоқ идораларининг раҳбарлари томонидан ва жойларда ўрим-йиғим ишлари боришини жадаллаштиришга оид қўшимча тадбирлар ишлаб чиқилганлиги таъкидланди. Иттифоқдош жумҳуриятлар Компартиялари Марказий Комитетларида, ўлка ва вилоят партия комитетларида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга сиёсий таъсирни кучайтиришга доир аниқ-равшан тадбирлар белгиланди.

Кейинги кунларда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари, Марказий Комитет котиблари, XXVIII съезд делегатлари Украина, Қозоғистон ва Молдовада, Россиянинг бир қанча вилоятларида бўлдилар. Таҳлил шуни кўрсатдики, бу йилги мўл ҳосил — деҳқончиликни ривожлантиришнинг тўғри йўли белгиланганлиги, совет деҳқонлари зўр ғайрат билан меҳнат қилганликлари, ижара муносабатларини ўзлаштириш, жадал технологияларни қўлланиш, нарх белгилаш механизмини такомиллаштириш юзасидан катта ишлар амалга оширилганлигининг натижасидир. Масалан, ижара коллективлари бу йил далаларнинг қарийб 75 фоизида деҳқончилик қилмоқдалар.

Механизаторлар, хўжаликларнинг раҳбарлари, мутахассислар билан учрашувларда, КПСС Марказий Комитети номига меҳнаткашлардан келаётган кўпдан-кўп хатларда ҳосилни ўриб-йиғиб олишдаги жиддий қийинчиликлар, масъулиятсизлик ҳоллари тўғрисида хавотирлик ва норозилик билдирилади. Меҳнат ва турмуш шароитлари, энг зарур молларнинг йўқлиги, савдодаги ношудлик қишлоқ меҳнаткашларининг таъналарига сабаб бўлмоқда Хуллас, қишлоқ аҳли ҳамма жойда етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олишга тайёр деб бўлмайди. Шунинг учун деҳқонларга ёрдам бериш керак.

Секретариат мажлисида бугунги кунда коммунистларнинг ўрни ғалла йиғиштириб олинаётган жойларда бўлиши кераклиги таъкидланди. Коммунистлар ҳосилни сақлаб қолиш учун курашишлари, ўрим-йиғим мавсумида имкони борича қатнашиш зарурлиги тўғрисида шаҳарликлар, студентлар орасида тушунтириш ишлари олиб боришлари лозим.

Партия комитетлари ҳамма жойда ҳам юзага келган муаммоларнинг мураккаблигини тўғри англаб, уларга баҳо бера олмаганликлари, оқилона иш тутиш йўлини ишлаб чиқа олмаганликларидан хавотирлик билдирилди. Партия ва совет идораларининг ишида узилиш рўй берганлиги кўрсатилди, деди Секретариат аъзоси, Москва вилоятининг Клин районидаги Горький номли колхоз раиси В. В. Анискин. Бу эса шусиз ҳам қийин аҳволни мушкуллаштириб, келишмовчилик ва ортиқча кескинликка сабаб бўлади. Секретариат аъзоси, Донецк вилоятининг Мариуполь шаҳридаги «Азовмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг электр пайвандчиси В. А. Гайворонский аҳолининг барча табақалари, барча жамоат ҳаракатлари нон — сиёсат эканлиги тўғрисидаги ўзгармас ҳақиқатни англашлари зарурлигини айтди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари, Марказий Комитет котиблари Г. В. Семёнова, О. С. Шенин, Г. И. Янаев, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари Л. П. Кравченко, Н. И. Шляга ва бошқалар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

Қабул қилинган қарорда партия комитетлари ўрим-йиғим мавсумидаги узилишларни дарҳол бартараф этишда халқ депутатлари Советларига, хўжалик раҳбари ва мутахассисларига бутун чоралар билан кўмаклашишлари, ғаллакорларнинг иқтисодий манфаатларини рўёбга чиқаришда ёрдам беришлари зарурлиги айтилади. Министрликлар ва идораларда ишлаётган коммунистларга ўрим-йиғим кампанияси масалаларини ўз вақтида ҳал этиш тавсия қилинди. Қарорда оммавий ахборот воситаларининг коммунистлари ўрим-йиғимни жадаллаштириш, ҳосилни сақлаб қолиш учун меҳнат ва моддий-техника ресурсларини сафарбар этиш йўлида ўз имкониятларидан фойдаланишга даъват этилади.

Марказий Комитет Секретариати муҳокамасига қўйилган бошқа масала ҳам шундай ўткир баҳсга сабаб бўлди. Марказий партия матбуотига обуна муносабати билан юзага келган вазият тўғрисида гап бормоқда. Бу энг аввало обуна ҳозирдаёқ бошланганлиги, бунинг устига келгуси йилдан бошлаб янгича шароитда ўтказилиши билан ҳам боғлиқдир. Энг аввало кўп партиявийлик, сиёсий кураш, бошқа нашрлар билан реал рақобат шароитида иш кўришга тўғри келади.

Секретариат аъзолари ҳам, шунингдек партия марказий нашрларининг мажлисга таклиф этилган раҳбарлари ҳам шу ҳақда гапирдилар ва баҳслашдилар. Сўзга чиққан барча кишилар янги нашрлар оқимида хиралашиб қолмай, партия матбуотининг қиёфаси ва жозибасини сақлаб қолиш зарурлигини айтдилар. Бунинг учун нашрларнинг сиёсий йўлини сақлаб қолиш, уларнинг мавқеини янада аниқроқ ва ишончлироқ белгилаб олишга, хабарларнинг хилма-хиллиги, фойдалилиги тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилишга, газеталарнинг газетхон билан ўзаро алоқада бўлишига эришиш даркор. Коммунистларнинг янги кучларини, янгича сиёсий тафаккур, партияни янгилаш, унинг бирлигини сақлаб қолиш ва жамиятни бирлаштириш тарафдорларини партия матбуоти билан ҳамкорлик қилишга жалб этиш зарур.

Диққатга сазовор бошқа кўпгина таклифлар айтилди. Хусусан, партия нашрларини энг кўп даражада инсонпарварлаштириш вазифаси ўртага қўйилди. Бу иш оддий кишиларнинг кундалик муаммоларини ҳолис акс эттириш ҳисобигагина эмас, айни пайтда газета ва журналларга обуна бўлишда партия оммавий-ахборот воситаларига имкони борича ёрдам бериш ҳисобига ҳам амалга оширилиши лозим. Марказий Комитет Секретариатининг аъзоси, Новолипецк металлургия комбинати партия комитетининг котиби А. И. Тепленичев обуна масалалари демократик йўл билан, обуначиларнинг ижтимоий жиҳатдан энг кам ҳимоя қилинган табақалари манфаатларини албатта ҳисобга олиб ҳал этилиши зарурлигига эътиборни қаратди. Насияга ва қарзга обуна бўлиш имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш керак.

Марказий Комитет Секретариати келгуси йилга мўлжалланган ахборот сиёсатини белгилаб, партиявий нашрларга оид қарорлар қабул қилар экан, ўз матбуотини қандайдир имтиёзли мавқега қўймайди. Мажлисда маҳаллий матбуот муаммолари тўғрисида гапирилди. Бошқа нашрлар сингари маҳаллий матбуот ҳам бозор муносабатларига ўтиш билан боғлиқ муайян қийинчиликларга дуч келади.

Даврий нашрларнинг нархи ошишидан зарар кўриши мумкин, бўлган кутубхоналарнинг манфаатларини ҳимоя қилиш зарурлиги тўғрисида ғоят ташвишланиб гапирилди.

Келгуси йил учун партия нашрларига обуна ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан амалий-сиёсий ишларни бошлаб юбориш вазифаси ўртага қўйилди. Партия нашрларининг анча қисми ўзининг нашриёт концепциясини аниқлаб олишига, уни янги шакллар билан тўлдиришига тўғри келади.

[Давоми иккинчи бетда].

ВАЗИЯТНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

8 август куни Кремлда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков Арманистон ССР Олий Советининг Раиси Л. А. Тер-Петросян билан узоқ суҳбатлашди. Н. И. Рижков Л. А. Тер-Петросянни Арманистон парламенти бошлиғи юксак лавозимига сайланганлиги билан табриклаб, унинг зарур амалий алоқалар ўрнатиш учун Москвага келганлигини табриклади. Жумҳуриятдаги сиёсий ва иқтисодий аҳвол шундайки, уни барқарорлаштириш манфаатларини кўзлаб жиддий ва ошкора фикр алмашиш ҳозир айниқса долзарб бўлиб қолди.

Одамларнинг эртанги кунга бўлган ишончига путур етказаётган, уларнинг ҳаётий истиқболини хиралаштираётган жумҳуриятдаги сиёсий ва иқтисодий вазиятни, минтақадаги миллатлараро муносабатларни нормаллаштириш масалалари муҳокама қилинди. СССР Президентининг 25 июлдаги Фармонини бажариш ва жумҳуриятда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, шунингдек Озарбайжон ССР билан биргаликда Тоғли Қорабоғ муаммосини ҳал этиш йўлларини излашга алоҳида эътибор берилди. Жумҳурият иқтисодиётини тўла соғломлаштириш, зилзила оқибатларини тугатиш борасидаги ишларда туб бурилиш ясашга қўшимча куч-ғайратлар сарфланмоғи лозим.

Суҳбатнинг сиёсий руҳи ва мазмунидаги асосий нарса бу иккала томоннинг жумҳуриятдаги вазиятни беқарорлаштираётган ва умуман мамлакатда жиддий хавотирлик туғдираётган мавжуд муаммоларни ҳамда бир-бирларининг ёндашувларини яхшироқ тушунишга бўлган интилишидир.

Суҳбат иштирокчиларининг таъкидлашича, фикрлашувлар фойдали ва амалий бўлган.

(ТАСС).

КОСМОНАВТЛАР ЕРГА ҚАЙТИБ ТУШИШДИ

ТАСС ахбороти

1990 йил 9 август куни Москва вақти билан соат 11 дан 35 минут ўтганда космонавтлар Анатолий Соловьев билан Александр Баландин «Мир» учувчи бошқарадиган комплексда тадқиқотлар ва тажрибалар программаси навбатдаги босқичини тугаллаб, Ерга қайтиб тушдилар.

«Союз ТМ—9» кемасининг Ерга олиб тушадиган аппарати Орқалик шаҳридан 72 километр шимоли-шарқда белгиланган районга қўнди. Ерга қайтганлардан сўнг космонавтлар ўзларининг яхши ҳис этмоқдалар.

Экипаж ўтказилган тадқиқотлар ва экспериментларнинг материалларидан иборат 130 килограмм юкни олиб келди. Орбитадаги ишни Геннадий Манаков билан Геннадий Стрекалов давом эттиришмоқда.

Экипаж парвози программасида космик материалшунослик соҳасида фундаментал тадқиқотлар ўтказишга ҳамда замонавий микроэлектроника эҳтиёжлари учун вазнсизликда юқори сифатли ярим ўтказгичларнинг тажриба-саноат туркумини ишлаб чиқаришга оид ўрин ажратилган эди. Ерга салкам уч килограмм ярим ўтказгич материаллар, шу жумладан галлий арсениди, руҳ оксиди, германий монокристаллари ва эпитаксиал кремнийли структураларнинг намуналари келтирилди.

Космонавтлар ярим йил давом этган парвоз давомида фотография ва видеоспектрал аппаратлар комплексидан фойдаланиб, қуруқликнинг жуда кенг районларини ва жаҳон океани акваториясини мунтазам суратга олдилар ва кузатиб бордилар. Бу ишлар ҳам халқ хўжалиги тармоқлари манфаатларини кўзлаб, ҳам сайёранинг турли регионларида ҳаво, сув ҳавзалари ва ўсимлик қопламаларининг экологик ҳолатини назорат қилиш учун бажарилди.

Астрофизик тадқиқотлар программаси доирасида тўлқин узунлиги ультрабинафша диапазонида фазо суратга олинди ва космик нурланиш характеристикалари ўлчанди.

Экипаж узоқ давом этган парвоз давомида катта ҳажмдаги тиббий тадқиқотлар ва биологик тажрибаларни бажарди.

Биотехнология тажрибалари программасига мувофиқ бажарилган ишларнинг вазифаси вазнсизликда оқсилнинг хилма-хил турлари кристалларини ҳамда замонавий тиббиёт ва дориишлаб чиқариш соҳаларида тадқиқот ўтказиш учун тўқималар олишдан иборат эди.

«Мир» комплекси таркибига ихтисослаштирилган учинчи модулнинг киритилиши экипаж парвозининг кенг программасини амалга оширишга кўп жиҳатдан ёрдам берди.


Анатолий Соловьев билан Александр Баландин парвозининг якунловчи босқичида бир қанча ремонт-тиклаш ишларини бажариш учун икки марта очиқ космик фазога чиқдилар.

«Мир» орбитал комплекси ичида олтинчи асосий экспедиция космонавтлари бажарган тадқиқотлар ва тажрибаларнинг натижалари мамлакатимиз фани ва халқ хўжалигининг турли тармоқларида жорий этилади, учувчи бошқарадиган космонавтикани янада ривожлантиришга хизмат қилади.

«Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» газеталарининг қўшма рейди

СОЗ УСТИГА СОЗ БЎЛСИН

Ўлкамизда айни пишиқчилик. Сабзавот ва мева мавсуми авжида. Тошкентга кетма-кет келиб турган машиналар дала ва боғларнинг неъматларини шаҳарликларга тортиқ этмоқда. Магазин, бозор ва шаҳардаги ярмаркаларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ўтган йилгига нисбатан анча сероб. Буларнинг ҳаммаси меҳнаткашлар учун қулайлик яратилгани оқибатидир. Ишбилармон кишилар қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам жонкуярлик кўрсатишмоқда.



Мана бу отахон Паркент ноҳиясидаги «Коммуна» совхозида истиқомат қилади. У ўзи томорқасида тоқзор яратган. Саидқосим ота Сайдазимов ўзи етиштирган кишмиш узумини харидорларга тавсия этмоқда.

Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари, шаҳар деҳқончилик саноати бирлашмасининг раиси С. Т. Тошқуловни учратиш осон бўлгани йўқ. У шу кунларда колхоз ва совхозларга, савдо объектларига бориб, ҳамиша жонкуярлик билан бу ишларни ташкил этмоқда. Уни фақат кечқурун, бир неча дақиқага ўз кабинетига кирганда учратдик.

— Бу йил далаларда мўл ҳосил етиштирилди. Энди ҳамма гап сабзавот ва меваларни йиғиштириб олишни қандай ташкил этишда қолган. Ишбилармонлик билан ҳаракат қилиб, уни эл дастурхонига етказиб беришимизга боғлиқ, — дейди Сергей Тошқулович, — Дала—магазин занжиридаги бирон-бир келишмовчилик ёки камчиликка йўл қўйиш тошкентликларни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашда узилишларга олиб келиши мумкин. Бу йил умумий кўрсаткичларимиз яхши бўлгани билан бундай натижага эришишнинг ўзи бўлаётгани йўқ. Ахир помидор, узум, бақлажон, бодринг ва бошқа неъматлар нозик, тез бузилувчандир. Шунинг учун ҳам қишлоқ меҳнаткашлари қатори ҳосилни йиғиштириб олишда шаҳарликлар ҳам қатнашишмоқда.

Биздаги асосий муаммолардан бири яшчиклар етишмаётганидир. Сизларни рақамлар билан қийнаб ўтирмайман-у, лекин улар бизга чиндан ҳам етишмаяпти. Эндиликда шу нарса маълум бўлдики, бу муаммони ҳал қилиш қийин ва у бизнинг ишимизга тўғаноқ бўлаверади. Ёғоч материаллари етишмаяпти. Мана шунинг учун кўп бор ишлатиладиган пластмасса яшчиклар ишлаб чиқарилиши зарур. Бу ўринда яна бир тўсиқ кўндаланг бўлади — хом ашё йўқ.

Жумҳуриятимизга келаётган чет эллик меҳмонлар биздаги сабзавот ва меваларнинг ҳуштаъмлиги ҳақида мақтов гапларни айтишади, — давом этди Сергей Тошқулович. — Шу билан бирга улар бизнинг қайта ишлаш корхоналаримизнинг қолоқлигига ҳайрон бўлишади. Эндиликда чет эллардан ёрдам олмай туриб, бу тармоқда муҳим ўзгаришлар қилиш қийин. Шунинг учун ҳам биз капиталистик давлатларнинг фирмалари билан шартномалар тузишга интиляпмиз. Шу мақсадда «Союз» деб аталган акционерлик жамиятига аъзо бўлдик. Ҳозир бу жамиятга баъзи иттифоқдош республикалар ва чет эллик шериклар аъзо бўлиб киришди. Энди қулай имкониятлар юзага келяпти. Улардан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Яқин келажакда бизда ҳам дала неъматларини сархиллаб ва қайта ишлаб, энг яхшиларини савдо тармоқларига, ёмонларини эса консерва, шарбат, концентрат тайёрлашга юборадиган кичик корхоналар фаолият кўрсатишига ишонаман.

Дарвоқе, ҳозирнинг ўзидаёқ мана шундай чиқитсиз кичик корхоналар барпо этишга интилиш бор. Мана шундай корхоналардан бирига яқинда газетхон М. Исоқов бизни таклиф этди.

— Юнусободдаги «Саманган» магазинига келинг. Сиз бу ерда хўжаликни қандай юритиш кераклигини билиб оласиз, — деди у сим орқали алоқада.

...Бу дўкон одатдаги магазинлардан фарқ қилмайди. Бироқ бу ерда сабзавот, меваларнинг турлари кўп. Улар янгилигидан худди бугун узилгандек туюлади. Сотувчилар ҳам харидорлар билан хушмуомалада бўлишмоқда. Харидорлар маҳсулотнинг яхшисини танлаб олишади. Қолганини эса четга суриб қўйишади. Аввалига бу навбатдаги хўжакўрсин бўлса керак, деб ўйладик. Лекин сабабини тезда англадик. Маълум бўлишича, бу дўкон ижара пудрати асосида ишлар экан. Унга тўла мустақиллик берилган. Қанча кўп маҳсулот сотилса, иш ҳақи ҳам шунча кўп бўларкан. «Саманган» магазинининг директори Зикрилла Маҳкамов бундай имкониятдан самарали фойдаланмоқда. Унинг ўзи қишлоқ районларига бориб, сабзавот ва мева сотишни хоҳлаган одамлар билан шартнома тузади. Колхоз ва совхоз раҳбарлари билан учрашади. Фақат юқори сифатли маҳсулотнигина шартнома баҳосида сотиб олади.

— Бу деган сўз бизнинг магазинимизда маҳсулот қиммат эканда, — деган маънони бермайди, — тушунтиради З. Маҳкамов. — Биз нархларни ҳамиша бозордагидан пастроқ ушлаб турамиз. Баъзан маҳсулот узоқ туриб қолиб, унга талабгор топилмай қолади. Шунда биз уни қайта ишлашга юборамиз. Чунки ўзимизнинг сабзавот консерваларимиз, мева компотлари, тузламалар тайёрлайдиган кичик цехимиз бор. Бир сўз билан айтганда бизда чиқиндига йўл қўйилмайди. Доимо фойда кўрмоқдамиз. Сотувчилар ойига 300 сўмдан кам ҳақ олмайдилар. Шунинг учун ҳам уларда қизиқиш кучли.

Зикрилланинг режалари кўп. Баъзи одамларга бу режалар хаёлпарастликдек туюлади. Лекин бизга ёқди. У фермерлик хўжалиги ташкил қилишни истайди. Лекин бунинг учун 3—4 гектар ерни ижарага олиш керак. Ҳозирча унга ҳамма жойда рад жавобини беришмоқда, лекин З. Маҳкамов чекинишни истамаяпти.

— Барибир ўз мақсадимга эришаман, — қизиққонлик билан дейди у. — Жуда бўлмаганда, юзта қорамолга мўлжалланган чорвачилик фермаси ташкил этаман. Шунда ўз магазинимиз орқали сут маҳсулотлари, гўшт сотаман. Ҳаммасини ўйлаб чиқдим. Озуқа билан қандай таъминлаш, ишни қандай ташкил қилиш, ҳаммасини назарда тутганман. Лекин ачинарлиси шундаки, баъзи хўжаликларнинг раҳбарлари мени яхши тушунишмаяпти. Шахсий манфаати йўлида интиляпти, деб ўйлашади. Баъзан шундай ҳам бўладики, бирон киши ташаббус кўрсатиб, ўз ишбилармонлигини намойиш этса унга ўз манфаатини ўйлайдиган киши, деб тамға босишади. Лекин Тошкент шаҳар матлубот жамияти кенгашининг Киров район бўлимида мени қўллаб-қувватлашмоқда.

Бошқа магазинда, шундоққина Олой бозорига кираверишдаги дўконда эса ҳаёт бир маромда давом этмоқда. Бу ерда югур-югурлар, ҳовлиқишлар йўқ. Маҳсулот келтиришди, тушириб олинди. Демак пештахта ёнида осойишта тураверишмумкин. Агар маҳсулот харидорга ёқмаса кетаверсин. Тошкент шаҳар матлубот жамиятининг хўжалик ҳисобидаги тайёрлаш-савдо базасига қарашли 1-магазиндагилар шундай деб ўйлашади. Сабзавот ва мева турларининг камлиги, уларнинг сифати пастлиги сотувчиларнинг кайфиятида ҳам акс этмоқда.

— Маҳсулот келтиришни кандай ташкил этасизлар?— қизиқиб сўрадик база директорининг ўринбосари О. Муҳиддиновдан.

— Хўжаликларда тайёрлаймиз, базага келтирамиз, кейин уни ўзимизнинг учта асосий магазинимизга тақсимлаймиз, — деди у. — Нима, бизнинг маҳсулотларимиз сизларга ёқмаяптими? Астойдил интиляпмиз-ку?

Ҳа, албатта, базадаги ишлар қандай ташкил этилганлигини баҳолаш бизнинг вазифамиз эмас. Бироқ мутахассис бўлмаган кишиларга ҳам маълумки, ҳамма нарса бир йўла аралаштирилиб жойлаштирилган омборхонада маҳсулот тўла сифатли сақланиши мумкин эмас. Айниқса, бу омборлар қудратли совитиш қурилмалари билан таъминланмаган бўлса. Махсус транспорт воситалари етишмаса. Шу сабабли маҳсулот бузилди, оқибатда пештахта ҳам бўш.

Дўкон ёнидаги шахсий секторда эса маҳсулот сероб. Олой бозори бу йилги мавсумда айниқса гавжум. Бу ерда савдо расталари кўпайиб, маҳсулот келтирувчи одамларга қулайлик яратилган. Ўзбекистон транспорт хизмати ташкилоти турли вилоятлардан маҳсулотлар келтирмоқда. Деҳқонларнинг ихтиёрига маҳсулот сақлайдиган омборлар, холодильниклар бериб қўйилган. Кўрилган бу тадбирлар тезда ўз самарасини берди. Тошкентликларга ўтган йилгидан анча кўп дала неъматларини тортиқ этилмоқда.

Биз мева сотаётган оқсоқол билан суҳбатлашдик.

— Менинг исмим Иброҳим, Сирдарёдан келдим, — дейди у. — Ўз боғимда пишган шафтоли ва узумни сотяпман. Бу йил биз шаҳарликларга маҳсулотларимиз жуда зарур эканлигини тушундик. Чунки бизга эътибор кучайди. Энг муҳими, маҳсулотларимизга ҳеч ким юқоридан баҳо белгиламайди. Шунинг учун ҳам пештахталар маҳсулотга тўла, шунинг учун нархлар ўтган йилгидан паст.

Пойтахтимиздаги бошқа бозорларда ҳам деҳқонларни яхши кутиб олишяпти. Фарҳод, Миробод, Қорасув, Трактор, Бешёғоч, Гулбоғ бозорлари кенгайди, қулайликлар яратилди. Янги усти ёпиқ савдо расталари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш жойлари, меҳмонхоналар қурилди. Шаҳар бозорлар бошқармасининг режаларида бошқа бозорларни ҳам қайта қуриш мўлжалланмоқда.

Шаҳарга қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўплаб келтирилиши дала неъматларининг сифатини назорат қилишни кучайтиришни талаб қилади. Сабзавот, мева, полиз маҳсулотларидаги нитрат миқдорини текшириш учун махсус система кучайтирилди. Давлат савдо корхоналари ва кооператив савдосидаги маҳсулотлар санитария-эпидемиология хизмати томонидан ҳамиша текшириб борилмоқда. Фақат лаборатория анализидан кейингина маҳсулотни сотишга рухсат этилмоқда. Бозорларда эса бу иш Тошкент шаҳар ҳайвонлардаги касалликларга қарши кураш станциясининг ветеринария-санитария экспертиза лабораторияси зиммасига юклатилган.

Мутахассисларнинг бундай катта гуруҳи қишлоқ хўжалик маҳсулотларидаги ортиқча аммиак селитрасини аниқлайдилар. Буларнинг ҳаммаси тошкентликларни кутилмаган оқибатлардан сақлаб қолади. Лекин жуда қаттиқ текширилганда ҳам жами маҳсулотни кўздан кечиришнинг иложи йўқ. Устига-устак Тошкент ҳалқа йўли бўйлаб ўзбошимчалик билан бозорчалар ташкил этилган. Бундай бозорчалар микрорайонларда, маҳаллаларда ҳам бор. Бу жойларда ҳеч қандай текширув ўтказилмайди ёки бу ерлар ҳеч кимга қарамайди. Мана энг хавфли жойи. Бизнингча, бу жойларни участка милиционерлари ҳамда санитария милицияси ходимлари назоратга олиб, сабзавот, мева, полиз маҳсулотларини тегишли ҳужжати бўлмаган одамлар томонидан сотилишини ман қилишлари зарур.

Айниқса, агрохимия лабораториялари иши ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишга тўғри келади. Чунки улар дала неъматларини жойларнинг ўзида текширувдан ўтказишлари шарт. Бироқ деҳқонларимиз аксарият ҳолларда бундай рухсатномаларни кўрсата олмайдилар. Чунки у йўқ. Ҳатто Тошкентдаги лабораторияларда қайта текширувдан ўтказилган полиз маҳсулотларида ҳам аммиак селитралари рухсат этилган миқдордан ошиқча эканлиги аниқланди. Буларнинг ҳаммаси қишлоқ жойлардаги агрохимия лабораториялари ўз вазифаларига нисбатан виждонан муносабатда бўлмаётганликларини кўрсатади. Ишга бундай ёндашиш кўзда тутилмаган ҳунук оқибатларга олиб келиши мумкинлигини наҳотки жойлардаги лаборатория ходимлари тушунмасалар?!

Ҳайриятки, ҳозирча дала неъматлари билан заҳарланиш ҳоллари Тошкентда қайд этилгани йўқ. Бироқ лаборатория анализларининг кўрсатишича, ҳотиржам бўлишга ўрин йўқ. Баъзи бир дала неъматларида нитрат кўп бўлса уларни йўқ қилиб юбориш керак. Зеро, бундай маҳсулотларни шаҳарга олиб келишни тўхтатиш учун қишлоқнинг ўзида чора кўриш самаралироқ. Ахир инсон саломатлиги ҳамма нарсадан муҳим-ку.

Хуллас, сабзавот-мева оқими давом этмоқда. Муҳими шундаки, бу сабзавот карвонлари тошкентликларга қувонч келтирсин. Ўзбекистонимизнинг ноз-неъматлари яхши сифати билан дастурхонимизни безасин. Бунинг учун эса ҳамма имкониятлар бор.

Ш. МИРҲАБИБОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

А. ХАТАМОВ,
«Правда Востока» мухбири.

Б. ТОЖИХОНОВ,
Тошкент шаҳар давлат бош санитария врачининг ўринбосари.



Айни кунларда жумҳуриятимиз пойтахти бозорларида, дўконларнинг пештахталарида маҳсулот сероб. Кўпчилик шаҳарликлар бу дала ноз-неъматларини мамнуният билан сотиб олмоқдалар. Уни етиштирган боғбону соҳибкорларга, сабзаваткору полизчиларга раҳматлар айтмоқдалар. Сиз кўриб турган суратларда бозордаги тўкинчилик акс эттирилган.

Е. БОТИРОВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ НАЗОРАТИ ҚЎМИТАСИДА

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Яқинда Ўзбекистон ССР Халқ назорати қўмитасининг қишлоқ хўжалиги бўлими ва вилоятлар халқ назорати қўмиталари «Узбекохотрыболовсоюз»нинг овчилик хўжаликлари фаолиятини текширдилар. Бунда асосий эътибор ов қоидаларига риоя этилиши ҳамда балиқчилик қандай йўлга қўйилганлигига қаратилди. Моддий бойликларни ҳисраш масалалари ҳам текшириб кўрилди.

Овчилар ва балиқчиларнинг спорт жамияти оммавий жамоат ташкилоти бўлиб, Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти, 11 та область ва Тошкент шаҳар бўлимларини бирлаштиради.

Жамият аъзолари кейинги пайтларда планларни бажариш борасида муайян ютуқларга эришишди. Унинг аъзолари кўпайди, моддий-техника базаси мустаҳкамланди, овчилик қонун-қоидаларига риоя қилиш устидан назорат яхшиланди. Лекин шу билан бирга текшириш натижаларига кўра «Узбекохотрыболовсоюз» ва унинг бўлинмаларида овчилик-балиқчилик жамиятлари фаолиятини, унинг моддий-техника базасини яхшилаш, жамият аъзолари сонини ўстириш бўйича етарли тадбирлар ишлаб чиқилмаётир. Кўпгина коллективларда оммавий-ташкилий ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Жамият аъзолари тўла ҳисобга олинмайди. Спорт ишларини яхшилаш, стендга отиш бўйича амалий ишлар қилинмаган. Жамият кенгаш ва йиғилишлари ўз вақтида ўтказилмайди.

Масалан, Самарқанд вилояти овчилар ва балиқчилар жамияти раиси Киншаков ва бош бухгалтер Лопаткинанинг айби билан моддий бойликлар, йўлланмалар ва ов учун рухсат қоғозлари ҳисоби амалга оширилмаган. Шунинг учун ҳам 1989 йилда қоида бузувчилардан тортиб олинган 7 та қурол ва шу йилнинг биринчи кварталида тортиб олинган 9 та милтиқ ҳисоботда бор-у, лекин ҳеч қандай ҳужжат билан тасдиқланмаган. Ўтган йили Мойбулоқ овчилик жамиятида 4 гектар ерга бугдой экилган бўлиб, ҳосил йиғиштириб олингандан сўнг атиги 1,2 тонна дон ҳисобга олинган, холос.

1988 йилда Каттақўрғон сув омборига 260 та ўрдак ва кўпайтириш учун 200 мингдан зиёд балиқ увилдириғи қўйиб юборилган эди. Ўтган йили эса 50 минг увилдириқ қўйилди. Уларни боқиш учун эса 603 сўмлик 3 тонна аралаш озуқа ажратилди. Лекин бу озуқадан тўла фойдаланилмаганлиги маълум бўлди.

Тошкент область овчилар ва балиқчилар жамиятида ҳам катта камчиликлар юз берди. Бу ерда егерлар махсус кийимлар билан таъминланмаган. Ҳатто, бу кийимлар учун фонднинг ўзи йўқ.

Фарғонадаги жамиятда ҳам кўпгина камчиликларга йўл қўйилган. Сариқамишдаги хўжаликда қонунбузарларга қарши етарли даражада кураш олиб борилмаяпти. Ов муддатини 17 марта бузиш ҳоллари жуда кеч аниқланди. Наманган вилоятида эса кадрларни жой-жойига қўйишда камчиликларга йўл қўйилган. Сирдарё бўйларидаги «Қоракўл» ўрдакларни кўпайтириш участкасида 1989 йили 1055 та ўрдак бор эди. Улар яхши боқилмаганлиги туфайли 129 ўрдак нобуд бўлди. Умуман, 1989 йилнинг ов мавсумида ёввойи ҳайвон ва қушларни овлаш учун 4,5 минг сўмлик йўлланмалар берилганди. Бироқ овланган жониворларнинг ҳисоб-китоби олиб борилмайди. Ўша йили овчилик жамиятида пулли хизматлар учун 15,5 минг сўмлик режа белгиланганди. Бу атиги 13,3 минг сўмлик қилиб бажарилди.

Молиявий интизом бузилиши ҳоллари ҳам учради. Масалан, Наманган вилояти жамияти раиси Хафизов 262 сўмга Болгарияга туристик йўлланма олган эди. Лекин ундан қонунга хилоф равишда раиснинг ўғли фойдаланди. Собиқ магазин мудири Р. Ғаниев овчилик магазинини топшириш пайтида 911 сўм камомадга йўл қўйганлиги маълум бўлди.

Сирдарё вилоятида овчилик хўжаликларидан тушадиган даромадлар режаси бажарилмаётир. Масалан, 1989 йилда даромадлар 14,6 минг сўмни ёки планга нисбатан 72,1 фоизни ташкил этди. 8,4 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди, холос. Ижарачилар ҳам шартнома шартларини бажаришмади. Аслида улар 11 минг сўм пул ўтказишлари керак эди. Бу бор-йўғи 6,5 минг сўмни ташкил этди.

Туркистон ҳарбий округининг овчилик жамиятида отларни сақлаш учун режадагидан кўпроқ озуқа сарфлаб юборилди. Тошкент шаҳар овчилик жамиятида ҳам жиддий камчиликлар кўзга ташланди. Бу ерда бухгалтерлик ҳисоби издан чиққан. Умуман, жумҳуриятимизнинг кўпгина овчилик жамиятларида мана шундай камчиликлар юз бермоқда. Чунончи «Чорвоқ» овчилик жамиятида биноларни таъмирлашда қўшиб ёзишларга йўл қўйилган. Тошкент шаҳар овчилик жамияти корхоналар билан шартномалар тузиш режаларини бажармаяпти.

Юқорида таъкидлаб ўтилган камчилик ва нуқсонлар «Узбекохотрыболовсоюз» ташкилотининг раҳбарлари томонидан йўл қўйилган масъулиятсизлик, ўзибўларчилик оқибатида юз берди. Овчилик жамиятларида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш ишлари бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Ходимлар ишбилармонлик сифатлари, билимдонлиги ва касб маҳоратига қараб танланмайди. Жамиятда хизмат кўрсатувчи шахсларга етарли маиший шароитлар яратиб берилмаган. Шунинг учун ҳам бу ерда кадрлар қўнимсизлиги юз беряпти. Назорат-текширув ишлари эса ўлдажўлда. Текширувлар юзаки ўтказилиб, молия-хўжалик ишларидаги жиддий қинғир ишлар аниқланмаяпти. Моддий бойликларнинг сақланиши таъминланмаяпти.

Текширув натижаларига кўра жамият президиуми раҳбарлари овчилик-балиқчилик жамиятлари ишини яхши назорат қилмаётганликлари, иқтисодий масалаларга чуқур кириб бормаётганликлари, овчилик ишларини ташкил этиш ва уни юритишга эътибор бермаётганликлари, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаётганликлари таъкидлаб ўтилди. Тошкент вилояти овчилик жамияти раиси А. Муселимис қонунбузарларга қарши курашда қатъиятлик кўрсатмаётир.

Ўзига қарашли овчилик жамиятларида етарли тартиб ўрнатмаганлиги, назоратни бўшаштириб юборганлиги, хўжасизликнинг авж олишига йўл қўйгани учун «Узбекохотрыболовсоюз» кенгаши раиси Н. В. Карагаевга ҳайфсан эълон қилинди. Ташкилий-оммавий ишларни бўшаштириб юборганлиги ва қонунчиликни бузганларга қарши зарур чора-тадбирлар кўрмаганлиги учун кенгаш раисининг ўринбосари Б. Акбаровга ҳам хайфсан берилди. Тошкент вилояти овчилик жамияти раиси А. Муселимис ҳам шундай жазо олди. Шу жамият бош бухгалтери Е. В. Дмитриевага нисбатан ҳам чора кўриш таклиф этилди. Тошкент шаҳар овчилик жамияти правлениесининг раиси В. Ф. Сисоев эса кўпол хатоларга йўл қўйганлиги учун эгаллаб турган лавозимидан бўшатилди ва унинг устидан қўзғатилган материаллар прокуратура органларига жўнатилди. «Узбекохотрыболовсоюз» ревизия комиссиясининг раиси И. Абдураззоқова назорат ишларини бўшаштириб юборгани учун вазифасидан бўшатилди.

АСОСИЙ ЭЪТИБОР— ДОЛЗАРБ ИШЛАРГА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Марказий Комитет Секретариати партия органларининг таъсис этувчи ташкилотларига ва нашрларига ўзларидаги мавжуд қоғоз ресурслари ва полиграфия қувватларига қараб нашрларнинг тиражларини белгилаш, шунингдек обуна орқали ёки фақат чакана савдо орқали тарқатиладиган газета ва журналларнинг рўйхатини аниқлаш ҳуқуқи берилиши зарурлигини айтди.

Таъсис этувчилар (иттифоқдош жумҳуриятлар Компартиялари Марказий Комитетлари, вилоят ва ўлка комитетлари) ва партия нашриётлари газета ва журналлар редакциялари билан келишиб, бундан буён қоғоз, полиграфия ишлари, алоқа хизмати тарифларининг чакана нархи оширилишини, солиқ солиш ҳамда газета ва журналлар чиқариш рентабеллигини таъминловчи янги шартларни ҳисобга олиб, уларнинг бир нусхаси нархини ва обуна ҳақини ўзлари белгилашлари мумкин.

СССР Алоқа министрлигининг КПСС Марказий Комитетининг «Правда» нашриёти билан келишиб олинган таклифи қабул қилинди. Таклифда редакциялар, нашриётлар ҳамда газета ва журналларни тарқатувчи алоқа корхоналари ходимлари учун ягона дам олиш куни жорий этиш лозимлиги айтилган. Шу муносабат билан ҳар куни чиқадиган партия газеталарининг сони ҳафтада бир марта қисқартирилади.

Шунингдек, СССР Министрлар Советидан ҳозирги вақтда амал қилинаётган қоғоз тақсимлаш методологиясини 1991 йилда сақлаб қолишни сўрашга қарор қилинди.

КПСС Марказий Комитети Секретариати янги Иттифоқ шартномаси тайёрланиши муносабати билан партия комитетларининг вазифалари тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Сўзга чиққан КПСС Марказий Комитетининг котиби А. Н. Гиренко жамиятда кўп миллатли Совет давлати яхлитлигидан хавотирлик кучаяётганлигини айтди. Давлатнинг яхлитлиги мамлакатимиз халқларининг тақдири билан ҳам, халқаро вазиятнинг барқарорлиги билан ҳам бевосита боғлиқдир. КПСС XXVIII съездининг миллий масалада партия сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб берган қарорлари, деб таъкидланди мажлисда, жамиятни бирлаштириш, ишонч, яхши қўшничилик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, ССР Иттифоқини тубдан янгилаш учун яхши замин яратиб беради.

Марказий Комитет Секретариати партия комитетларига, КПСС XXVIII съезди делегатларига, оммавий-ахборот воситалари коммунистларига ва партиянинг мафкура соҳаси фаолларига мурожаат қилиб, уларни меҳнаткашлар, аҳоли турли табақалари орасида янги Иттифоқ шартномасининг мақсадлари ва вазифалари тўғрисида кенг тушунтириш ишларини олиб боришга даъват этди. Иттифоқ муносабатларининг янги системасига, энг аввало қайси миллатга мансублигидан қатъи назар, одамларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, тенг ҳуқуқлилиги ва фаровонлиги асос қилиб олиниши зарурлигини тушунишга эришиш муҳимдир. Ҳозирги вақтда одамларнинг кўплаб қурбон бўлишига, жуда катта моддий ва маънавий маҳрумликларга сабаб бўлган, янгиланиш жараёнини ва социалистик Ватаннинг истиқболини хавф остига қўйган миллий адоват ва этник можароларга чек қўйиш учун барча халқлар ва ижтимоий кучларнинг сиёсий хоҳиширодаси зарур. Демократик принциплар, ҳар бир халқнинг ва бутун мамлакатнинг манфаатларини тушуниш асосида Иттифоқ шартномаси тузилиши янгиланган ССР Иттифоқида тинчлик ва барқарорлик, миллий уйғониш ва ижтимоий тараққиёт сари бориш имконини беради, деб умид билдирилди.

Марказий Комитет Секретариатининг шу йил август—октябрь ойларига мўлжалланган иши асосий йўналишларининг лойиҳаси муҳокама қилинди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет котиби А. С. Дзасохов йиғилганларнинг эътиборини ана шу фаолиятдаги устун жиҳатларни ишлаб чиқишга қаратишни таклиф этди. КПСС XXVIII съездининг, унинг партия, жамият, давлат турмушидаги долзарб муаммоларга оид ҳужжатларининг юксак сиёсий ва назарий имкониятини партия ташкилотлари тажрибасида рўёбга чиқаришга кўмаклашадиган биринчи галдаги ишлар доирасини белгилаб олиш лозим, деб таъкидлади у. Бунда қабул қилинаётган қарорлар жамиятда қандай кутиб олинаётганлигини, улар ижтимоий жараёнларнинг умумий жўшқинлигига қанчалик сингиб бораётганлигини мунтазам текшириб туриш керак.

КПССнинг янги Программаси лойиҳасини тайёрловчи комиссия тузилиши муносабати билан коммунистлардан, партия ташкилотларидан, жамиятшунос олимлардан тушаётган таклифларни тўплаш, таҳлил этиш ва умумлаштиришга оид ишларни авж олдиришга қарор қилинди. Мазкур ҳужжат партия коллектив ақл-идрокининг самараси бўлиши даркор. «Жамоат бирлашмалари» тўғрисидаги СССР Қонунини тайёрлашда партиянинг иштироки ҳамда КПССнинг ана шу қонун доирасида бошқа партиялар, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар ва ташкилотлар билан ўзаро амалий муносабатларини янада ривожлантириш билан боғлиқ туркум масалаларни ҳам муҳокама қилиш мўлжалланади.

Ҳақиқий аҳволни ва КПССнинг бир қанча регионал, шунингдек меҳнат жамоаларида ва аҳоли истиқомат жойларида ишлаб турган ташкилотлари жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий турмушига таъсирини кучайтириш истиқболларини муҳокама қилишга қарор берилди.

Бундан ташқари, КПСС Марказий Комитетида кадрлар масалаларини кўриб чиқишнинг мавжуд тартибига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалани яқин вақт ичида муҳокама қилиш, номенклатурага оид эскича усуллардан тўла-тўкис ва узил-кесил воз кечиш, партия ходимларини қайта тайёрлашнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш мўлжалланмоқда. Мажлис қатнашчиларининг фикрича, партия турмушини янада демократиялашга, унинг иш шакллари ва усулларини янгилашга кўмаклашадиган бошқа бир қанча тадбирлар ҳам белгиланди.

Секретариат мажлисида КПСС Марказий Комитетининг аппаратини анча қисқартириш, шунингдек уни бирмунча янгилаш зарурлиги эътироф этилди. Шу мақсадда КПСС Марказий Комитети аппарати барча ходимларини аттестациядан ўтказишга, жамоатчиликни аппаратни тузиш қоидалари ва тажрибаси билан кенг кўламда таништиришга қарор қилинди.

(«Правда»—ТАСС).

ЁДНОМА

КЎЧАГА ЖУРНАЛИСТ НОМИ БЕРИЛДИ

Маъруф Назаров ўзининг урушдан кейинги бутун онгли ҳаётини жумҳурият матбуотини ривожлантиришга бағишлади. У узоқ йиллар сидқидилдан меҳнат қилган «Совет Узбекистони» рўзномаси ходимлари жўшқин қалбли қаламкаш, кўзга кўринган публицист ҳақида ҳануз миннатдорчилик билан эслашади. Кўпчилик ҳамкасбларининг шахсий кутубхоналарида муаллифнинг дасхати битилган шеърий китоблар, очерклар тўпламлари сақланиб турибди. Газета жамоасининг турли тадбирларида, ижодий баҳсларда устоз журналист фаолияти эсга олинади.

Афсус, ҳамиша ҳам муносиб одамларга тириклигида етарли ғамхўрлик кўрсата олмаймиз. Лекин эзгуликнинг чеки йўқ. Эндиликда газета таҳририяти бу ерда кўп йиллар самарали ишлаб, жумҳурият матбуоти тараққиётига фаол ҳисса қўшган марҳум ижодкорларнинг хотирасини унутмаслик тадбирларини кўрмоқда.

Шу мақсадда тегишли партия, совет ташкилотларига мурожаат қилиняпти. Ҳозир бу ҳаракатнинг дастлабки натижалари ҳақида хабарлар олинмоқда. Фарғона вилоятининг Қува районидаги Маъруф Назаров таваллуд топган Деҳқонобод қишлоғи кўчаларидан бирига унинг номи берилди. Қишлоқ Шўросининг раиси Эркинжон Мўйдиновнинг айтишича, бу ердаги 8-ўрта мактабда журналист ва шоирнинг хотира стенди ташкил қилинмоқда.

А. АБДУБАННОПОВ.

КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXII съезди қарорларини бажарамиз!

Халқимиз Марказий Комитет ва жумҳурият ҳукуматининг Навоий, Улуғбек, Бобур, Машраб, Фурқат, Қодирий ва халқимизнинг бошқа буюк фарзандлари юбилейларини ўтказиш тўғрисидаги қарорини жуда руҳланиб кутиб олганлиги бежиз эмас, деб ўйлаймиз. Уларнинг мероси Ўзбекистон халқлари умуминсоний қадриятларининг равнақи ва бойишига хизмат қилиб келган эди ва бундан буён ҳам хизмат қилади. Биз уларнинг бебаҳо меросини халққа, аввало ёшларга етказиш учун барча ишларни қиламиз.

(Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг материалларидан).



Ҳозир маънавийликни, миллий маданиятни ривожлантириш, шу муносабат билан уларнинг тарихий манбалари илдизларини, яъни бой маданий меросни ҳар томонлама таҳлил ва тадқиқ этиб, кенг оммага етказиш вазифалари муҳим ғоявий ва сиёсий аҳамият касб этмоқда.

«Совет Ўзбекистони» газетаси ташаббуси билан чоп этила бошлаган «Мерос» материаллари, шубҳасиз, катта диққат-эътиборга сазовор. Шу муносабат билан муштарийлар ҳукмига тақдим этилган материалларда асосан бадиий мерос устида гап борган эди. Эндиликда халқимизнинг бой илмий-фалсафий меросининг айрим масалаларини ёритувчи материалларни тақдим этамиз.

БУЮК ХАЗИНА

М. ҲАЙРУЛЛАЕВ,

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги:

— Дунёнинг жуда кўп кутубхоналарида, қўлёзма жамғармаларида, жумладан, жумҳурият Фанлар академиясининг Беруний номидаги Шарқшунослик ва Қўлёзмалар институтлари жамғармаларида Ўрта Осиё халқларининг ўрта аср шароитида яратган бой маданий мероси, жумладан, илмий-фалсафий меросининг ажойиб намуналари сақланади. Уларни ўрганиш соҳасида эришилган муҳим ютуқларимизни қайд этиш билан бирга бу соҳада ҳали катта вазифалар турганлигини ҳам кўрсатиб ўтиш зарур. Тадқиқотлар шуни исботлайдики (бу чет эл олимлари томонидан ҳам қайд этилади), Ўрта Осиё халқлари ўрта асрда ислом дини тарқалган Ўрта ва Яқин Шарқ, Осиё ва Африка мамлакатларининг умумий илмий-фалсафий маданияти ривожига жуда катта ҳисса қўшганлар, умуман Ўрта Осиё феодализм ривожланган (ўрта аср) даври маданияти тарихида энг тараққий этган катта минтақа бўлган.

Бу даврда Ўрта Осиёдан етишиб чиққан Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Замахшарий, Улуғбек, Али Қушчи каби қомусий олимлар, Термизий, Бухорий, Марғилоний каби илоҳиётчиларнинг номи ва хизмати бутун Шарқда жуда катта ҳурмат билан тилга олинади. Уларнинг фаолияти туфайли X—XV асрларда Ўрта Осиёда табиий-илмий билимларнинг турли соҳалари хусусан, математика, астрономия, география, тиббиёт, химия, ўсимликшунослик, геология билимлари, ҳунармандчиликнинг турли соҳалари, меъморчилик бўйича билимлар кенг ривож топди; шу билан бирга ижтимоий гуманитар илмлар ҳам Шарқнинг бошқа мамлакатларига нисбатан бу ерда тез тараққий этди.

Бу даврнинг энг характерли томонларидан бири қомусшуносликдир. Ўша даврда йирик олимларнинг муҳим хислати — турли билимларни биргаликда ўрганиш эди. Бу хислат турли билимларнинг бошланғич жадал ривожланиш даври учун, айниқса, характерлидир. Масалан, юқорида санаб ўтилган мутафаккирлар деярли кўпчилигига шу хислат хос эди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Муҳаммад Хоразмий математика, тарих, астрономия, география каби илмларга оид асарлар муаллифи, Форобий ўз даврининг фалсафа, ижтимоий-сиёсий масалалари, мусиқашунослик бўйича етакчи олими бўлиш билан бирга химия, математика, тиббиёт каби соҳаларда ҳам асарлар қолдирди.

Ибн Сино—файласуф, медик, логик, филолог, шоир ва бошқа жуда кўп соҳани яхши эгаллаган қомусчидир.

Беруний ҳам худди шундай.

Ўрта Осиёнинг қадимги Шарқ билан Ғарбни боғловчи халқаро Ипак йўли марказида жойлашуви илк ўрта асрларда эса бу ерда феодал муносабатларнинг ривожи, мустақил давлатнинг ташкил топиши, бошқа Шарқ мусулмон халқлари билан иқтисодий-маданий алоқаларнинг кучайиши маданий-илмий тараққиётни тезлаштирди.

Маданият, илмий-фалсафий қарашлар тараққиётида Ўрта ва Яқин Шарқда, жумладан Ўрта Осиёда бундай тез кўтарилиш, Уйғонишнинг ички муҳим манбаларидан бири шундаки, бу даврдаги олимлар Шарқдаги қадимги маданий анъаналар билан бирга юнон фалсафий-илмий бойликларининг, юнон мутафаккирлари Платон, Аристотель, Евклид, Пифагор, Гален, Гиппократ кабиларнинг бевосита меросхўри ва давомчиси эдилар. Бу билан шу давр Шарқ олимлари қадимги юнон илмий-фалсафий меросини Европага, сўнгги авлодларга етказиб беришда ҳам катта хизмат кўрсатдилар.

Бу даврда яшаган Шарқ, жумладан Ўрта Осиё мутафаккирларининг илм-фан соҳасидаги буюк хизматларидан бири қадимги Юнонистон фани, фалсафаси ютуқларини авайлаб сақлаб, ривож топтириб, кейинги авлодларга етказиб бериш бўлди. Юнон олимларининг йирик асарлари IX—X асрлардаёқ араб тилига махсус ва кўплаб таржима этила бошланди. Махсус таржима мактаблари вужудга келди. Ўрта Осиёнинг йирик олимлари ҳам бу жиҳатдан фойдали, тарих учун, маданий тараққиёт учун жуда катта аҳамият касб этувчи фаолиятда жонбозлик кўрсатдилар.

X—XI асрларда мусулмон мамлакатлари, жумладан Ўрта Осиёда яратилган илмий-фалсафий асарлар XII асрдан бошлаб лотин тилига таржима этилиб, Европа мамлакатларида кенг тарқала бошлади ва илмнинг ривожига катта таъсир кўрсатди. Масалан, Ал-Хоразмий (Алгорезм), Ал Форобий (Алфарабус), Ибн Сино (Авиценна) кабиларнинг асарлари бир неча бор таржима этилиб, Европа олимлари томонидан ўрганилди.

Ўрта Осиё халқларининг бу даврдаги табиий-илмий, ижтимоий-фалсафий таълимотлар ривожи соҳасидаги хизматлари дунё илмининг узлуксиз тараққиёт занжирининг муҳим халқаси, бўғинини ташкил этади. Бу халқани, даврни ўрганмай, чуқур билмай туриб, дунё маданиятининг узлуксиз тараққиёт йўлини бирма-бир тиклаш, изчил ўрганиш ва кўз олдига келтириш қийин.

●

О. ФАЙЗУЛЛАЕВ,

фалсафа фанлари доктори:

— Дарҳақиқат, бундан ўн икки аср муқаддам Ўрта осиёлик олим Муҳаммад ал-Хоразмий алгебра фанини кашф этди. Бутун дунёда бу нарса тан олинган. Ҳозирги замон илмий-техника инқилобининг асосий тушунчаларидан бири ҳисобланадиган кибернетика, информатика ва бошқариш илмининг замин тушунчаси бўлган «алгоритм» «ал-Хоразмий»нинг лотинча талаффуз этилишидир. Терминнинг этимологик келиб чиқишидан ташқари мазмунан ҳам шундай: алгоритм қоидасининг биринчи муаллифи ал-Хоразмийдир. Олим «Алжабр» («Алгебра») китобидан квадрат тенгламани ечиш учун олдин бундоқ қилиш керак, ундан кейин ундоқ қилиш керак, сўнгра ана бунисини бажариш керак, деб кетма-кет бажариладиган жараёнлар йиғиндисидан иборат қоида алгоритм деб ном олган. Электрон ҳисоблаш машиналари ҳам шу принципда ишлайди ва талай масалаларни ҳал қилиб бермоқда. Ҳозир илмий-техникавий, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ечиш усулларини мукаммаллаштириш мақсадида 500 дан кўп алгоритмик тиллар ишлатилади. Уларнинг дастлабкиси «Алгол». Бу термин 1958 йили Парижда жаҳон махсус илмий-техникавий кенгашида инглизча «алгоритмик лингвиж» («алгоритмик тил») ёки «ал—Хоразмий тили» сўзларининг дастлабки ҳарфларидан ташкил топган. Фортран, Ляпас ва бошқалар шу алгоритмик тиллардандир.

Математикани ал-Хоразмийнинг бошқа замондошлари ҳам ўзларининг кашфиётлари билан бойитдилар. Чунончи, тригонометрик функциялар назариясини Аҳмад Марвозийсиз тасаввур қилиб бўлмайди. «Улуғ Ферма теоремаси»нинг замин мулоҳазаларини Ҳамид Хўжандий яратган. Абу Наср Мансур куб тенгламаларни ечиш йўлларини, Ҳасан Насавий эса куб илдиздан чиқариш усулини кашф этганлар.

Ҳозирги замон космонавтикасининг тарихий заминида коинотни ўрганиш илми ётади. Бу соҳада ал-Хоразмий замондоши Аҳмад ал-Фарғонийнинг «Астрономия асослари» номли рисоласи жаҳонда Коперникгача яшаган астрономларнинг асосий илмий ва ўқув қўлланмаси бўлиб хизмат қилиб келди. Европада ал-Фарғоний «Алфраганус» номи билан машҳур. Ўн бешинчи асрда асосий астрономик расадхонани Улуғбек Самарқандда яратди. Самовий жисмлар ҳаракати кузатилиб борилди. Кузатишдан назарияга ўтилди. Шу тарзда Ой ҳаракатининг назарияси бунёд этилди. Улуғбек, Қозизода Румий, Ғиёсиддин Коший ва Али Қушчилар бир комплекс илмий мактабни яратдилар.

Математика ва астрономия узвий боғланиб кетди. Беруний ўзи кашф этган сферик тригонометрия асосида геодезия илмига асос солди. Ал-Хоразмий, ал-Фарғоний ва Улуғбек самовий жисмлар ҳаракатини кузатиб, у жисмларнинг келгусидаги ҳолатларини, чунончи Қуёш ва Ой тутилишларини олдиндан айтиб бериш имкониятларини барпо этдилар. Бу қонуният жадваллар кўринишида инъикос этилди. Айлананинг диаметрга нисбати ниҳоятда нозик қийматлар билан ўлчанди, исталган тригонометрик функциянинг қийматини бир градуснинг синуси орқали интерацион йўл билан аниқланиб, куб тенгламаларни ечиш усуллари Улуғбек—Коший ижодларининг маҳсулидир.

Илмий табобатни — «Ал-қонун»ни яратиш Ибн Синога муяссар бўлди. Фармакогнозия, ўсимликлардан табиий дориворлар тайёрлаш, инсоннинг набототга муҳтожлиги соҳалари, табиий модда алмашиниш сирларини очиш Беруний зиммасига тушди. Экологик муаммо сирларидан бири шундадир.

Ўрта осиёлик буюк олимларнинг ўша замонлардаги кашфиётлари ҳозирги замон фанининг узвий тарихий асосларидан бўлибгина қолмай, уларнинг илмий ғоялари одамларга ҳануз хизмат қилиб келмоқда. Агар биз уларни янада кўпроқ меҳр билан ардоқласак, оладиган фойдамиз бундан кейин янада кўпаяди. Меросий баҳрамандлик бўлаверсин. Биз шунга муҳтожмиз.

●

А. АҲМЕДОВ,

тарих фанлари доктори:

— Инсоният маданияти ва фани тарихида VIII—XV асрлар муҳим ўрин тутади. Бу давр фани ва маданияти одатда «араб» ёки «мусулмон фани ва маданияти» деган иборалар билан аталади. Буни шундай изоҳлаш мумкинки, аввало, араб халифалигида асосан арабларнинг давлат тузуми, ундаги илм-фан ва муомала тили араб тили эди. Халифалик парчаланиб кетганидан кейин ҳам анча вақтгача араб тили илм-маърифат ва маданият тили бўлиб қолаверди. Иккинчидан, бу маданият асосан ислом дини тарқалган мамлакатларда юзага келди ва ривожланди. Лекин бу «араб» ёки «мусулмон» фани ва маданиятининг тараққиётига фақат арабларнинг ўзигина эмас, балки халифалик таркибига кирган барча халқ ва элатлар вакиллари ҳисса қўшдилар. Шу жумладан Ўрта Осиё халқларининг қўшган ҳиссаси анча салмоқлидир. Бу ҳисса, айниқса, аниқ ва табиий фанлар соҳасида анча яққол кўзга ташланади.

Фан тарихидан маълумки, араб халифалигининг пойтахти Умовий халифалар даврида (661—750) Дамашқда эди. 762 йили Аббосий Халифа ал-Мансур (754—775) томонидан Бағдод барпо этилганидан сўнг пойтахт шу шаҳарга кўчирилади. Ал-Мансурдан бошлаб халифалар ўз атрофларига аниқ фан мутахассисларини, таржимонларни тўплайдилар. Бундай ишлар халифа ал-Маъмун (813—833) даврида «Байтул ҳикмат» деб аталган илмий муассасага бирлаштирилиб, кенг кўламда олиб борилади. Ал-Маъмун 806—813 йилларда Марвда халифанинг ноиби ва 813—819 йилларда шу шаҳарда халифа бўлиб турганида ўз атрофига Мавароуннаҳр ва Хуросоннинг турли шаҳар ва масканларидан истеъдодли ёшларни, олимларни тўплайди ва 819 йили уларни Бағдодга олиб келади. Бу олимлар орасида Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Ибни Турк ал-Хутталий, Аҳмад ал-Марвазий, Яҳё ибни Абу Мансур, Холид ал-Марваррудий, Санад ибни Али каби қатор атоқли олимлар бор эди. Шуниси қизиқки, немис фан тарихчиси Х. Зутер шу асрнинг бошида IX—X асрларда Бағдодда ишлаган олимларнинг рўйхатини тузиб шуни қайд қилган эдики, бу олимларнинг сони 500 дан ортиқ бўлиб, уларнинг ярмидан кўпи Ўрта Осиё ва Хуросондан бўлган, булар орасида эса Хоразм ва фарғоналиклар кўпчиликни ташкил қилган.

Ал-Хоразмий «Ал-китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр вал-муқобала» асарида биринчи марта алгебра фанининг пойдеворини ясаб, унга ном берди...

Аҳмад ал-Марвазий, ал-Фарғоний, Ибни Турк ал-Хутталий, Холид ал-Марваррудий ва уларга замондош бўлган бошқа Ўрта осиёлик олимлар ҳам фаннинг турли соҳаларига муҳим ҳисса қўшдилар. Илк Ўрта аср даврида арифметика, алгебра, геометрия, астрономия, география, геодезия ва ускунашунослик каби фан ва санъат соҳаларининг юзага келиши ва ривожланишининг Ўрта осиёлик олимларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу ҳақиқат фан тарихи мутахассислари томонидан тан олинган.

Улуғбек XV аср бошларида Самарқанд, Бухоро ва Ғиждувон шаҳарларида мадрасалар қурдиради. Самарқандда эса мадрасадан ташқари расадхона ҳам барпо этади ва бу ерда ўзи бошчилигида олимларни тўплаб, астрономия ва математика соҳасида тадқиқотлар олиб боради. Натижада у ўз «Зиж»ини яратади. Улуғбек ва у яратган Самарқанддаги илмий мактабнинг фаолияти фан тарихида ниҳоятда чуқур из қолдирди. Хусусан, Улуғбек «Зиж»и ўрта асрлар давридаги энг мукаммал астрономик асар эди. Бу асардаги юлдузлар жадвали ундан кейин ёзилган деярли барча зижларга киритилган. Европада эса жадваллар, телескоп ихтиро этилган бўлишига қарамай, XVII асрдан то XX аср бошларигача бир неча бор чоп этилиб, амалда фойдаланилган.

Ўрта осиёлик олимлар аниқ фанлар соҳасида ёзган кўплаб асарлар урушлар ва табиий офатлар туфайли бутунлай йўқолган. Омон қолганлари эса жаҳон кутубхоналари хазиналарида сақланади. Шундай хазиналардан бири Ўзбекистон ССР ФА Шарқшунослик институтидир. Ҳозирги кунда бу қўлёзмалар қисман ўрганилган. Лекин аксарияти ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

●

О. БУРИЕВ,

тарих фанлари номзоди:

— Жаҳон маданияти тараққиётида Ўрта осиёлик олимлар кўпгина фанлар қатори, география соҳасида ҳам салмоқли ҳисса қўшганлар. Уларнинг географик мероси шакл жиҳатдан серқирра ва мазмунан жуда бой. Бу меросдан географияга оид айрим назарий хулосалар ҳам, кенг амалий маълумотлар ҳам ўрин олган. Бошқача айтганда, унда олам ҳақида умумий тушунчалар, Ернинг математик ва тавсифий географияси ҳақида гап боради. Ёзма меросимизнинг дастлабки ривожланиш босқичида (IX—XII асрлар) юнон фанидаги географик билимлардан ҳам фойдаланилган, лозим топилганда уларга тузатишлар, қўшимчалар киритилган.

Ўрта осиёлик олимлар географик меросини биз, асосан араб ёзувида ёзилган асарлардан бошлаб биламиз ва у, дастлаб, хоразмлик буюк олим Муҳаммад Ибн Мусо ал-Хоразмий номи билан боғлиқ. Ал-Хоразмий Араб халифалигининг пойтахти Бағдодда географияга доир ишларга бошчилик қилган ва ўзининг «Китоб сурат ал-арз» («Ер сурати китоби») асари билан Шарқ география фанига асос солди. Абу Зайд Балхий географик меросида Ернинг ўзига хос тасвири ва мамлакатлар тавсифи берилган. Абу Райҳон Беруний илмий меросидаги географик маълумотлар назарий ва амалий жиҳатдан муҳимдир. Айниқса, Берунийнинг дунё картасини, дунё океани ва ғарбий қитъа (Америка) ҳақидаги хабарларини, олим ясаган катта ҳажмдаги глобусни, етти иқлим тушунчасини табиий ҳодисалар, геологик ва иқлим ўзгаришлари қонуниятлари, мамлакатлар ва халқлар ҳақидаги хабарларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Носир Хисравнинг «Сафар»номаси ва Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғат-ат-турк» китоби ҳам географик маълумотларга бой.

Ундан сўнг, XIX асргача бўлган даврдаги географик ёзма меросимиз Замахшарий, Самвоний, Чағминий, Муҳаммад Авфий, Нажиб Бакрон, Фахриддин Бано Катий, Ҳофизи Абру, Ғиёсиддин Наққош, Абдураззоқ Самарқандий, Мирзо Улуғбек кўрагон, Али Қушчи, Заҳириддин Бобур, Муҳаммад Ҳайдар Мирза, Ҳофиз Таниш Бухорий, Султон Балхий, Маҳмуд ибн Вали, Саид Муҳаммад Тоҳир, Мир Исмоил Бухорий, Аҳмад Дониш, Ҳожи Юсуф Ҳайатий каби қатор Ўрта Осиё ва Хуросон олимларининг номлари билан боғлиқдир. Кўрсатилган даврда олимларимиз асарларида тавсифий география кенг ўрин олган ва ана шундай маълумотлар ҳозирги энг долзарб бўлиб турган табиатни муҳофаза қилиш, экологик муаммоларни ҳал этиш, ўлкамиздаги жой номлари тарихини ёритиш, шунингдек, Ўрта Осиёнинг турли мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий алоқалар тарихини ўрганишда жуда қўл келади. Ёзма маълумотлардан Ўрта Осиё халқлари жаҳон маданий меросида ўз улушлари борлигини билибгина қолмай, балки уларнинг мамлакатлар, халқлар ўртасида дўстликни, тинч-тотувликни ривожлантиришга хизмат қилганликларини ҳам кўрамиз. Бу борада XV асрдаги савдо-элчилик алоқалари ва шу муносабат билан ёзиб қолдирилган ва бугунги кунгача етиб келган Ғиёсиддин Наққошнинг «Хитой сафарномаси» ва Абдураззоқ Самарқандийнинг «Ҳиндистон сафарномаси» ёрқин далилдир. Бу даврда Ўрта Осиёнинг пойтахт шаҳарлари — Ҳирот ва Самарқанддан Хитой ва Ҳиндистонга элчилар юборилган ва у ерлардан ҳам ўз навбатида элчилар ташриф буюрганлар. Ёзма манбаларда подшоҳлар бир-бирларига йўллаган мактубларидан баъзилари сақланган ҳам. Уларда ўзаро дўстлик, элчилик ва савдо-сотиқ алоқаларини ривожлантириш, савдо йўллари хавфсизлигини таъминлаш таъкидланади.

Ҳозирги вақтда географик ёки қисман географик мазмундаги ёзма ёдгорликларнинг бир қисми илмий жиҳатдан ўрганилиб, оммага эълон қилинган. Бироқ ўзбек тилида чоп этилганлари кам. Эндиги вазифа Ўрта осиёлик олимлар географик меросини мунтазам равишда ўзбек тилида тайёрлашдан иборат. Келгуси йилда китобхонлар Ғиёсиддин Наққошнинг «Хитой сафарномаси»ни ўқишга муяссар бўладилар. Кейинги навбатда форс тилида ёзилган «Худуд ал-олам» номли географик асарни ўзбек тилига таржима қилиб, китобхонларга тақдим этиш ниятимиз бор. Умуман олганда бу йўналишда қилинадиган ишлар ҳали кўп.

●

Ҳ. АЛИҚУЛОВ,

фалсафа фанлари доктори:

— Шарқ халқлари, хусусан, Ўрта Осиё халқлари ахлоқ соҳасида ўз анъаналарига эга. Ахлоқ ҳақидаги фикрлар қадимги даврларда туркий битиклар, Авесто ва бошқа ёзма манбаларда сақланиб, бизнинг давримизгача етиб келган. Булардан ташқари, ахлоқий фикрлар Ўрта Осиё халқлари орасида кенг тарқалган пандномалар, васиятнома ва одобномаларда, дидактик ҳарактердаги манбаларда, халқ оғзаки ижодида, тасаввур поэзиясида, диний рисолаларда ҳамда фалсафий асарларда ўз ифодасини топган. Уларда халқнинг урф-одатлари, хулқ-одоби, турмуш тарзи, расм-русумлари, оилавий ва ахлоқий муносабатлари акс этган.

Ўрта асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида фанларнинг бўлиниши жараёни бошланиши натижасида ахлоқ ҳам махсус фан соҳаси сифатида ажралиб чиқди.

Ушбу фанга бағишланган махсус асарлар пайдо бўлди. Ибн Мускавейх, Форобий, Ибн Сино, Насриддин Тусий, Жалолиддин Давоний, Сабзаворий, Ғиёсиддин Мансур ва бошқалар ахлоқ фанининг мавзуи, вазифалари ва мақсадининг назарий ва амалий жиҳатларини асослаб беришга катта ҳисса қўшдилар. Мутафаккирлар ахлоқ илмининг вазифаси кишиларни хулқ-одобли ва фазилатли қилиш, бахт-саодатга эришиш йўлларини кўрсатиб бериши керак, деб таъкидладилар ва комил инсон тўғрисидаги ўз таълимотларини яратдилар.

Лекин Ўрта Осиё халқларининг ахлоқий меросини ўрганишни ҳозирги даврда қониқарли, деб бўлмайди. Чунки ахлоқ илми тарихига бағишланган рисолаларнинг аксарияти ҳанузгача ўрганилмаган. Бу борада йирик асарлар ёзган кўп мутафаккирларнинг ҳатто номларини ҳам билмаймиз. Аслида ўтмишда ахлоқ ва таълим-тарбия соҳасида илмий тадқиқотлар олиб борган олимлар жуда кўп бўлган. Афсуски, ахлоқ илмига бағишланган рисолалар, қатор мутафаккирларнинг ахлоқий меросини шу вақтгача асоссиз равишда ўрганилмай келинмоқда. Буларга Ибн Арабийнинг (XIII аср) «Таҳзибул—ахлоқ» (Хулқий тарбия ҳақида) ва «Китобул —ахлоқ» (Ахлоқ ҳақида рисола), Абу Бакр Қаландарнинг (XIII аср) «Қаландарнома», Ҳусайн Воиз Кошифийнинг (XV аср) «Ахлоқи Муҳсиний» (Муҳсиний ахлоқи), Ғиёсиддин Мансурнинг (XV—XVI асрлар) «Ахлоқи Мансурий» (Мансурий ахлоқи); Жалолиддин Давонийнинг (XV аср) «Ахлоқи Жалолий» (Жалолий ахлоқи), Пошшаҳўжа Абдуваҳобхўжанинг (XVI аср) «Гулзор» ва «Мифтоҳ ул-адл» (Адолат калиди), Абдураҳмон бин Абдулкаримнинг (XVII аср) «Мифтоҳ ул-ахлоқ» (Ахлоқ калиди), Юсуф Самандар Хўжа Термизийнинг (XVII аср) «Дастур ул-мулук» (Подшоҳлар учун дастур (қўлланма), Ҳаким Қоонийнинг (XVIII аср) «Паришон» ва «Гулистон», Муҳаммад Содиқ Қошғарийнинг (XVIII аср) «Одоб улсолихин» (Фозиллар хулқ-одоби), Муҳаммад Саиднинг (XVIII аср) «Ахлоқи ҳамида» (Ҳамду Санога лойиқ хулқлар), Бархурдор Туркмон Фароҳийнинг (XVIII аср) «Маҳбубул-қулуб» (Кўнгилларнинг севгани), Абу Тоҳир Хўжанинг (XIX аср) «Ахлоқи музаффарий» (Музаффарий ахлоқи») ва «Ахлоқи Муҳаммадий» (Муҳаммадий ахлоқи), Абдураҳмон Шарафнинг (XIX аср), «Илми ахлоқ» (Ахлоқ илми»), Салоҳиддиннинг (XIX аср) «Махосини ахлоқ» (Ахлоқ фазилатлари), Муҳаммад Эҳсоннинг (XIX аср) «Гулзори ахлоқ», Абдураҳмон Сайёҳнинг (XIX—XX асрлар) «Меъёри ахлоқ» (Ахлоқ меёри) каби рисолалари киради. Бу рўйхатни истаганча яна давом эттириш мумкин, зероки ушбу фанга ўтмишда олим ва адибларнинг қизиқиши катта бўлган. Ўзбекистон ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган бу рисолаларнинг аксарияти араб ва форс тилида битилгандир. Ҳозирги пайтда файласуфлар, ахлоқ илми билан шуғулланувчи олимлар, шарқшуносларнинг вазифаси ана шу рисолаларни янгича ёндашган ҳолда, холисона тадқиқ қилиш, зиддиятли томонларини очиб ташлаш, уларни ўзбек тилига таржима қилиб халқ мулкига айлантиришдир.

Бой ахлоқий меросимизда илгари сурилган умуминсоний ахлоқий қадриятлар, инсонпарварлик ғоялари, ундаги меҳр-шафқатли бўлиш, камтарлик, софдиллик, катталарни ҳурмат қилиш, саҳийлик, меҳнатсеварлик, байналмилалчилик, халқлар дўстлиги, одиллик, иффатли бўлиш, бир-бирини ҳурмат қилиш каби фазилатлар, ўзаро муомала қоидалари, бизнингча, таълим-тарбия ишларининг самарадорлигини оширишда, ёшлар орасида ахлоқий бузилишнинг олдини олишда, миллатлараро муносабатларни яхшилашда муҳим роль ўйнаши мумкин.





Суратларда: Ўзбекистон Фанлар академияси Ҳ. С. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти катта илмий ходими, филология фанлари номзоди Фазилат Сулаймонова ва институтда сақланаётган қўлёзмалардан намуналарни кўриб турибсиз.

Суратларни В. МОЛГАЧЕВ олган.

Бобораҳим Машраб таваллудининг 350 йиллигига

СЕТОРАЛАР ХОНИШИ

Бобораҳим Машраб ҳақида унинг содиқ шогирди Пирмат Сеторий битган «Қиссаи ошиқи Машраби Мажзуби валиюллоҳ» китобининг жуда кўп ўринларида, шунингдек, Машрабнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти борасида кўп сонли манқабалар (латифанома жажжи ҳикоятлар)да шоирнинг етук созанда ва навозанда бўлганлиги айтилади: «Шоҳи Машраб сетораларини қўлларига олиб андоқ хониш қилдиларки, хонанишинлар фиғон тортиб, яқоларини чок-чок қилдилар». Аслини олганда, бундай манқабалар тарихий ҳақиқатнинг айнан акс садосидир.

Машрабнинг замондоши ва ҳужрадоши Исҳоқ Боғистоний «Тазкирайи қаландарон» асарида: «Раҳимбобо ушоқлиғидин мусиқийға бисёр кўнгул бермишди. Балоғат ёшида сетор жўрлиғида ўз ашъорига мақом басталаб, бағоят хушовоз бирлан хониш қилур эрди. Шу боисдан ҳалойиқ ичра «Машшоқи Машраб», «Ҳофизи Машраб» демоқлик машҳур бўлмишдн», дейди.

Муаллиф ўз китобининг шу бобида Машраб истеъдодининг мана шу улуғвор қирраси Қошғорда қай даражада намоён бўлганлигини Пирмат Сеторий ҳикоятига асосланиб ёзади:

«Шоҳим Қошғорда ашъорда камолат касб этмоқ борасинда олий мақомотга эрушмушлар эрди. Ва яна, шоҳимнинг муборак қалби мусиқийға бисёр ҳавасманд эрди. Вақти бўлурдики, Қошғор ҳокими Исмоилхон чоповул юборуб, шоҳимни саройға чорлар. Аларнинг танбур, сетор жўрлиғинда ўз ашъорларига ўзлари басталамиш хонишларни эшитмоқни кўп хуш кўрурди. Саройда бўлмиш бир ашъор ва мусиқий мажлисидан мутаассир бўлғон Исмоилхон шоҳимға кўп ҳадялар сипориш этмушди. Бу ҳолатдин шоҳимнинг кўнгуллари озор чекиб «Мен ҳадялар, садақалар қули эрмасмен, ё Исмоилхон, бундин сўнг бу аҳволат такрорланса, саройингни елкамнинг чуқури кўрғай» дея хитоб қилмишдилар. Бундай кўнгилсиз ҳодисотдин сўнг Исмоилхон ҳадя ва ионаларини Қошғор вилоятидаги қаландархоналар эҳтиёжиға юбориб турур эрди.

Исмоилхон саройи машшоқ ва хонандаларининг саромади устоз Муҳаммад Зоҳир Танбурий бўлғувчи эрди. Мусиқий илминда кўп билимдон, аммо девонафеъл, дарвешнамо ушбу зот бирла шоҳ Машраб ароларинда кўп яқинлик вужудға келмишди. Алар ва яна бир неча устозлар 4-5 йил фурсат ичинда Қошғор муқомларини бунёд этмоққа жистужў қилдилар. Шашмақом наволаридин завқиёб ва баҳраманд ўлғон ул мутриби замонлар Баёти Қошғорий, Рок, Чап баёт, Чоргоҳ, панжигоҳ, наво сегоҳ, ўзҳол (нолиш), ироқ шўъба, талқин ва мушкилотларини бунёд этмушдиларки, алар созн ва навозишининг овозаси етти иқлимни тутмушди. Шоҳим муқом шўъбаларинда қирқдин ортиқ ўз ашъори табаррукларини гоҳ сетор, гоҳ танбур жўрлиғида хониш қилурдиларки, ифрот завқу шавқдин туғёнға келмиш хонанишинлар мажзубот ҳолатиға етушиб, яқоларин чок-чок айлаб, фарёду фиғон чекмушдилар. Шоҳимнинг ўзлари барчадин кўпроқ масту мустаррақ бўлуб, ҳушларидин кетиб, йиқилурдилар. Шу боисдин авомианнос аросинда мутриби даврон унвониға сазовор ўлмушдилар!»

Юқоридаги ҳикоятдан аёнки, Машрабнинг бастакорлик, созанда ва хонандалик бобидаги маҳорати эл аро машҳур ва манзур бўлган. Шоир мусиқий сознинг инсон маънавий оламига нақадар чуқур таъсир этишини жуда яхши ҳис қилган ва уни қатор ашъориятида нафис ва нозик тасвирини чизган.

Мана бир неча мисол.

Булбул ила сетор қўшилуб нолаға тушди, жон титради шул дам,
Бир нола билан икки садо дилға ёпушди, ишқ-ишқ ила ҳамдам.
...Машраб ила сеториға булбули хушхон, авж нолан баржо,
Юз ришта бўлуб чирмашибон аршдан ошди, бу нолам одам.

Ёки:

Сеторимториға жон риштасидин тор эшиб чолсам,
Ани хуш ноласидин бевафони кўнглини олсам.
Мақом олиб мақом ичра мақомни дилға жо қилсам,
Муҳаббат куйиға созлаб ани олдида ман чалсам.
Аролаб чолсам «Ушшоқу», ғазални соза еткурсам,
Саҳарларда кўпуб машшоталардин пур зиё чалсам
Кел, эй Машраб, қадаҳ сунғил, бўлойин масту мустаррақ,
Бир илкға косаи танбур, бириға жомни жо қилсам.

Зеро, шоирнинг кўпчилик ашъориятида сетор ва танбур инсон маънавий оламининг ранго-ранг жилваларини мусиқий тил билан ифодаловчи сероҳанг соз сифатида тасвирланади, инсон билан ҳамдамликда ундан чиққан руҳни титратувчи ва мажзуб этувчи ёқимли садонинг овозаси саккиз осмон чегараларидан ўтиб, аршдан ҳам юқорироқ кўтарилишга қодир деб тавсиф қилинади.

Дарвоқе, Машрабнинг абадий барҳаётлик нури билан йўғрилган лирик ва мусиқий меросининг ҳамиша жаранглаб келаётганлигининг асрори ҳам мана шундадир.

Муҳсин ЗОКИРОВ,
филология фанлари номзоди.

ХУШХАБАРЛАР

«Совет Ўзбекистони» мухбирлари ёзадилар

ТОШКЕНТЛИКЛАР ҲИММАТИ

● Тошкент соғлиқни сақлаш посбонлари Қашқадарё вилояти табобат муассасаларнни оталиққа олдилар.

Чироқчи ва Деҳқонобод районлари қишлоқларида медицина хизмати кўрсатиш талабга жавоб бермайди. Асбоб-ускуналар ва дори-дармонлар етишмайди. Пойтахт шифокорлари ана шу районларнинг саломатлик муассасаларини диагностик асбоб-ускуналар билан таъминлаш ҳамда шифокорлар малакасини оширишда ёрдам берадиган бўлдилар.

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Қ. Ризаев бошчилигида бир гуруҳ шифокорлар Қашқадарё вилоятияда табобат ишлари билан танишдилар. Тошкентликлар кўмагида Қашқадарёда болалар диагностика ва токсикология марказлари очиш тадбирлари белгиланди. Қишлоқлардаги кўпгина касалхона ва поликлиникалар асбоб-ускуналар билан таъминланадиган бўлди.

Тошкент шифокорлари чўлқуварлар учун 15 минг дона бир марта ишлатиладиган шприц ажратишди.

МАҲОРАТ КЎРИГИ

● Шаҳрисабзда ўтказилган лапарчилар, яллачи ва яккасоз ижрочилар кўригида барча вилоятлар ва Қорақалпоғистондан санъаткорлар иштирок этди.

Лапарчилар чиқиши санъат ихлосмандларига манзур бўлди. Улардан андижонлик Оминахон Нуриддинова, фарғоналик Юлдузхон Бурхонова, қашқадарёлик Озода Тошмуродова ва тошкентлик Мунира Муҳаммадиева юксак маҳорат намойиш этишди. Ялла бўйича беллашувларда Ё. Раҳматиллаева, Ў. Аҳмедов, М. Норова, А. Муниров, созандаликда эса М. Маркаримов, Ҳ. Тоғаев, М. Мамараҳимов, К. Алдураҳимов, А. Юсуповлар ғолиб бўлишди. Ғолибларга махсус мукофотлар, дипломлар ва III Бутуниттифоқ фестивали қатнашчиси унвони берилди.

М. КАРОМОВ.

ТЕМИР МИНОРА

● Бундай миноралар асримизнинг бошида Россия шаҳарларида бўлган. Ундан сув кўтариш қурилмаси сифатида фойдаланилган.

Бухоронинг Арк қалъаси қаршисида 1927 йили минорани қуришдан мақсад шаҳар аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш эди. Минора узоқ йиллар бухороликлар чанқоғини қондирди. Замона зайли билан унинг умри тугаб бораётган эди. Путурдан кетган темир минора шаҳар ҳуснини бузиб турарди. «Афсал» кооперативи уни қайта таъмирлаш ташаббуси билан чиқди. Кооператорлар миноранинг ёнган устки майдончасини таъмирлаб, қаҳвахона ташкил этишди. Яхши жиҳозланган қаҳвахона севимли дам олиш масканига айланди. 30 метр баландликдаги емакхонага лифт зумда чиқариб қўяди.

Н. НАИМОВ.



Тошкентдаги музика асбоблари фабрикаси жамоаси кейинги пайтларда ҳар хил турдаги музика асбобларини ишлаб чиқариш бўйича олган шартнома мажбуриятларини бажариш учун астойдил меҳнат қилиб келмоқда. Булар орасида моҳир усталар кўп. Улар тайёрлаб бераётган маҳсулотлар кўпдан-кўп машоқ ва созандаларга маъқул тушмоқда. Шулардан бири Фурқат Абдураҳмонов.

Суратда: Ф. Абдураҳмонов.

Т. КАРИМОВ олган сурат.

АНДИЖОН МЕНЕЖЕРЛАРИ

● Андижон тармоқлараро илмий-техника ахборот маркази Германия Федератив Жумҳуриятининг Франкфурт шаҳрида менежерлар тайёрлов халқаро марказида ўқиш истагини билдирган кишилар талабини қондирди.

ГФРга ўқишга борганлар орасида Андижондаги 3-пахта тозалаш заводи директори ўринбосари А. Жалилов, Ленинск 2-пахта тозалаш заводи директори ўринбосари М. Йўлдошев, Чинобод пахта тозалаш заводи бош бухгалтери А. Жалолов ва бошқалар бор. Улар менежерлик марказидан яхши таассуротлар билан қайтдилар. Малака ошириш жараёнида бир қатор фирмаларнинг вакиллари билан ўзаро мулоқотда бўлдилар, қўшма корхоналар тузиш тўғрисида фикр алмашдилар. Навбатда халқаро марказга озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги бўйича малака оширувчилар гуруҳи юборилади.

А. ҚУРОНБОЕВ.

СПОРТ

КУРАШ:

ҚИЗЛАР БЕЛЛАШГАНДА

● КИШИНЁВ шаҳрида қизлар ўртасида ўтказилган дзюдо кураши беллашувларида жумҳуриятимиз вакиллари муваффақиятли куч синашдилар. 45 килограмм вазнли тошкентлик Наталья Ли ғолиблик супасига кўтарилиб, мухлислар олқишига сазовор бўлди. Урганчлик Любовь Сочнева билан Ирина Новогородцева (Тошкент)лар мусобақанинг кумуш медалларини қўлга киритишди. Тошкентлик Татьяна Свеженцова эса бронза медалига эга бўлди.

ЧИМ ХОККЕЙ:

САФАР УЧРАШУВЛАРИ

● ТОШКЕНТ областининг «Политотдел» командаси қизлари Корея Халқ Демократик республикаси бўйлаб сафарда бўлдилар. Хоккейчиларимиз Пхеньян шаҳрида мамлакат терма командаси билан беш та ўртоқлик учрашуви ўтказишди. Чунончи, хоккейчиларимиз 1:0, 2:0 ва 4:0 ҳисобида ғалаба қозониб, бир учрашувни дуранг (1:1) қилишди. Фақат бир ўйинда майдон эгалари 2:1 ҳисобида устун келдилар.

ФУТБОЛ:

«ПАХТАКОР»НИНГ ҒАЛАБАСИ

● БИРИНЧИ лига коллективлари ўртасида мамлакат чемпионатининг 24-тур ўйинлари ўтказилди. Пешқадам бўлиб турган «Спартак» футболчилари сафарда «Шинник» коллективини 2:0 ҳисобида енгиб, жами очколарини 31 тага етказишди.

«Пахтакор» футболчилари эса «Кубань» майдонида ўйнаб, 1:0 ҳисобида зафар қучишди. Ғалаба келтирган тўпни 16-минутда И. Шквирин дарвозага йўллади. Шундай қилиб, пахтакорчилар 26 очко билан учинчи ўринга кўтарилишди. Ставропол динамочиларида ҳам шунча очко бор. «Шинник» 25 очко билан бешинчи бўлиб турибди.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

«Ўрикзор»да мактаб-магазин

Республика пойтахтининг ана шу янги турар жой массивида кўплаб хонадонлар ҳовли тўйлари ўтказиш учун ҳозирлик кўрмоқда. Шахсий иморатлар бу ернинг кўркига-кўрк қўшмоқда. Озиқ-овқат ва бошқа рўзғорбоп буюмлар билан савдо қилувчи магазинлар ишлаб турибди.

Шаҳар савдо бошқармаси аҳолига яна бир қулайлик яратиб, бу ерда мактаб-магазин очди. Тўққиз нафардан иборат сотувчи ҳафтанинг шанба, якшанба кунлари 10-15 минг сўмлик ўқув қуроллари, мактаб формалари ва бошқа кийим-кечаклар сотмоқда.

(ЎзТАГ).

ЎҒРИЛИК ҚИЛМА—ЎТДА ЁНАСАН

ҲОДИСА

Самарқанд вилоят ижроия комитети ички ишлар бошқармаси ёнғиндан муҳофаза қилиш бўлимининг бошлиғи, ички хизмат майори В. Д. Хўжақулов бошчилигидаги ўт ўчирувчилар бўлинмалари кучли ёнғинни тезкорлик билан ўчирдилар.

...Қизил гвардия нефть базасининг ишчилари А. Қоратоев билан Б. Баҳриддинов ўз ихтиёрларидаги бензинга ўлжа сифатида қарадилар. Улар олдиндан тайёрлаб қўйилган олтита йигирма литрли канистр ва челакларни кўтариб, ёнилғи солинадиган катта идишнинг тепасига чиқиб, қопқоғини очдилар. Лекин, тўсатдан кутилмаган ҳодиса рўй берди. Қопқоққа урилган челакдан учқун чиқди, бензинга урилиб, аланга олди. Бирмунча вақт ўтгандан сўнг портлаш рўй берди. Минг кубометрга яқин ёнилғи солинган бу идишдан осмону фалакка аланга ҳамда тутун ўрлай бошлади.

Қизил гвардия шаҳри ёнғинга қарши кураш қисмининг тўққиз нафар жангчиси биринчилардан бўлиб ўт билан олишишга киришди. Яна саккизта ўт ўчириш бўлинмаси ҳамда ёнғинга қарши курашувчи поезд уларга ёрдамга етиб келди. Ўтнинг бошқа идишларга ўтишига йўл қўймаслик керак эди. Кўпик отувчи қурилмалар ишга туширилди. Кўпик бензин тўла улкан идишнинг юзасини қоплади ва ўт чекина бошлади.

— Нефть маҳсулотлари солинган бундай катта идишларда ёнғин бўлиши жуда хавфли, уни ўчириш ниҳоятда қийин, — дейди Самарқанд вилоят ижроия комитети ички ишлар бошқармаси ёнғиндан муҳофаза қилиш бўлими бошлиғининг ўринбосари, ички хизмат подполковниги Н. П. Соков. — Бахтимизга бундай ёнғинлар кам бўлади. Рўй берган ҳодисани таҳлил этар экансан, нефть базаси билан ёнма-ён уй қурилишига рухсат берган Қизил гвардия шаҳри раҳбарларининг бепарволигига ҳайрон қоласан киши. Ёқилғи етарли даражада қўриқланишини таъминламаган нефть базаси раҳбарларининг бегамлиги кишини ажаблантиради. Ахир, бундан ҳам каттароқ кулфат рўй бериши мумкин эдику.

Ўғриларчи? Уларнинг бири ёнғин чиққан ернинг ўзида ҳалок бўлди, бошқаси эса оғир аҳволда касалхонага ётқизилди ва 2 соат ўтгандан сўнг ҳаётдан кўз юмди...

(ЎзТАГ).

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги ЖУМҲУРИЯТ ТАРМОҚЛАРАРО РАҲБАР ХОДИМЛАР ВА МУТАХАССИСЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

РАҲБАР ХОДИМЛАР ВА УЛАРНИНГ РЕЗЕРВИНИ ТАЙЁРЛАШ ФАКУЛЬТЕТИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ПЕШҚАДАМ» МЕНЕЖМЕНТ ВА КОРЧАЛОНЛИК ДАСТУРИ

Менежерлар тайёрлаш курсларига корхоналар, бирлашмалар, вазирликларнинг раҳбарлари, раҳбарликка даъвогарлар ва яна шу лавозимларга номзодлар таклиф қилинадилар: ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун — ўқиш муддати 4 ойлик гуруҳларга **(машғулотлар 3 сентябрда бошланади),** ўқиш муддати — 2,5 ойлик гуруҳларга **(машғулотлар 10 сентябрда бошланади; ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун** — ўқиш муддати 2,5 ойлик гуруҳларга **(машғулотлар 17 сентябрда бошланади).**

Корхоналар ва айрим гуруҳларнинг ҳусусий буюртмалари асосида махсус курслар олиб борилмоқда, шу жумладан аниқ бир ўқитувчининг шахсига йўналтирилган гуруҳлар ҳам ташкил қилиниши мумкин. Машғулотлардан мақсад — бошқарув ва бизнеснинг самарали усулларини эгаллаш, шахснинг ижодий имкониятларини равнақ топтиришдан иборатдир.

АСОСИЙ ФАНЛАР:

— бозор иқтисодиёти; маркетинг, менеджмент;
— хизмат муваффақиятининг психологияси, психотренинг, психодиагностика;
— молия системаси, халқаро бизнес;
— хизматга оид ўзбек ва инглиз тиллари;
— соғломлаштириш, маданий ва гигиена дастури;
— тингловчилардан кейинчалик фойдаланишга оид тавсияномаларни ишлаб чиқиш ва бериш.

Ўқитиш, иш ўйинлари, семинарлар, стажировкалар ва тренингларни қуйидагилар олиб боради:

С. А. Салимов — профессор, техника фанлари доктори — корхоналарни бошқаришда катта тажрибага эга халқаро семинарларда қатнашган, маслаҳатлар беради ва ўқитади.

З. М. Солиҳов — профессор, техника фанлари доктори — ҳар тарафлама бошқарув, илмий ва педагогик иш тажрибасига эга.

А. А. Файзуллаев — доцент, педагогика фанлари номзоди — кенг мушоҳадали, замонавий ишлаш йўл-йўриқларини, тилларни билади, энг яхши тренинглар услубиятини эгаллаган, чет эл сафарларида тажриба тўплаган.

Д. И. Давидов — доцент, иқтисод фанлари номзоди, — кенг ахборот қамровига, чуқур илмий ёндошувга эга, ўткир зеҳнли ва ҳозиржавоб.

Ю. Я. Сичев — доцент, техника фанлари номзоди — инновацион ёндашув, ҳар томонлама билим ва бошқарув, илмий ва педагогик иш тажрибасига эга.

А. Н. Пироговский, Н. Р. Бобожонова, М. В. Волкова, Т. Г. Хашенко, З. Т. Маъдиев, А. М. Сандов, У. Т. Султонов, И. А. Хамедов, М. Ю. Гасанов ва бошқалар, шунингдек, СССР халқ хўжалиги академияси ва СССР ижтимоий фанлар академияси, Малака ошириш институти ва олий ўқув юртларидан таклиф этилган етакчи ўқитувчилар, мутахассислар ва халқ хўжалиги раҳбарлари ва бошқалар машғулотларни олиб борадилар. Хорижий бошқарув маслаҳатчилари билан учрашувлар, машғулотлар ва тренинглар ўтказиш, жойларга чиқиш, шу жумладан, чет элга чиқиш билан стажировкаларга бориш амалиётда қўлланилмоқда. Диплом ёки гувоҳнома, кейинчалик хизмат поғонасида кўтарилиш учун тавсиянома берилади.

Машғулотларни ташкил қилиш, мафкура, концепция программалари факультет декани Ю. Я. Сичев (телефон 68-49-74), **ижтимоий психология кафедраси мудири А. А. Файзуллаев** (телефон 68-49-65) **томонидан тайёрланган.**

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги жумҳурият тармоқлараро раҳбар ходимлар ва мутахассислар малакасини ошириш институтининг директори, иқтисод фанлари доктори М. Л. Турсунхўжаев (телефон 67-67-80).

Маълумотлар олиш учун телефон: 68-49-74.

Манзилимиз: 700077, Тошкент шаҳри, ГСП, Луначарский узун кўчаси, 75-ўй.

Корхоналар, ташкилотлар, вазирликлар, муассасалар, колхоз ва совхозлар, илмий-тадқиқот институтлари, лойиҳа-конструкторлик, технология бюролари, олий ва ўрта ўқув юртлари, вилоят, шаҳар, район партия комитетлари ва ижроия комитетлари

ДИҚҚАТИГА!

Жумҳурият Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Ўзбекистон ахборот агентлиги рус тилидан ўзбекчага, ўзбек тилидан рус тилига ўгирадиган МАЛАКАЛИ ТАРЖИМОНЛАР ТАЙЁРЛАШ МАКТАБИНИ ОЧАДИ.

Давлат тилига ўтилиши муносабати билан бу таржимонлар иш юритишни ўзбек тилига ўтказишда ҳар бир корхона ва ташкилотга катта мадад берадилар. Чунки ушбу мактабни битириб чиққан кишилар ташкилот фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжат, маъруза, ижтимоий-сиёсий, илмий-оммабоп, иқтисодий-техникавий мазмундаги матнлар (текстлар)ни ўзбек ва рус тилларига равон таржима қила оладиган бўладилар.

Дарслар ва амалий машғулотларни олимлар, агентликнинг тажрибали таржимонлари ва муҳаррирлари ўтказишади. Ҳозир кўпгина завод ва фабрикалар, муассасаларда таржимонлар етишмай турган бир вақтда буни айни муддао бўлади, деб ўйлаймиз. Ўқишга ёши ўттиздан ошмаган, олий маълумотли, таржимонликка қизиққан йигит-қизлар таклиф этилади.

Ўқиш ҳақи меҳнат шартномасига кўра ўзаро келишиб олинади. Ўқув муддати тингловчиларнинг тайёргарлигига қараб уч ой, олти ой ва бир йилгача давом этиши мумкин.

Мурожаат қилиш учун манзил: 700000, Тошкент шаҳри, К. Маркс кўчаси, 38-уй. Ўзбекистон ахборот агентлиги.

Телефонлар: 33-16-22, 33-46-67.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги жумҳурият ахборот агентлиги.

АВСТРИЯ ФИРМАСИ

барча манфаатдор корхоналар ва ташкилотларга эркин конверсияланадиган валюта ва иккинчи тоифадаги валютага етакчи ғарбий фирмаларнинг қуйидаги КОМПЬЮТЕР ВА КЎПАЙТИРИШ ТЕХНИКАСИНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ:

— шахсий компьютерлар;
— принтерлар;
— сканерлар;
— плоттерлар ва уларнинг дастурий таъминоти ҳамда Сизнинг хоҳишингизга кўра бошқа турдаги периферия ускунаси;
— қора-оқ ва рангли нусха олиш-кўпайтириш машинаси;
— телефакслар;
— микрокалькуляторлар;
— видео ва аудиотехника.

Компьютер техникаси 10 йилдан кўп бўлмаган мухлатга совет сўмлари эвазига ижарага берилиши мумкин.

Сиз қуйидаги манзилдан қўшимча ахборот олишингиз мумкин: 700105, Тошкент шаҳри, Д. Манжара кўчаси, 1-уй. ДОЭЛ ташқи иқтисодий фирмаси. Телефонлар: 93-06-35, 99-25-48.

ДОЭЛ Ташқи иқтисодий фирмаси юқорида санаб ўтилган техника турларини харид қилиш юзасидан шартнома тузишга ҳамда кафолатли ва кафолат муддатидан кейинги сифатли хизмат кўрсатилишига кўмаклашади.

Ўзбекистон ССР Қурилиш материаллари саноати вазирлиги

ЭЙВАЛЕК МАХСУС ТЕМИР-БЕТОН КОМБИНАТИ

темир-бетончи ишчилар, электр кўприкли кран машинистлари мутахассисликлари бўйича 30 кишидан иборат ишчилар гуруҳини қувур ишлаб чиқариш учун

ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Меҳнат ҳақи — ишбай-мукофотли, Малакаси бўлмаганлар комбинат қошида ишдан ажралмаган ҳолда ўқишлари мумкин.

Ёлғизларга ётоқхонадан жой берилади, оилалиларга ётоқхонадан алоҳида жой ажратилади ва 1 йил ичида уй олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ишчиларнинг мактабгача ёшдаги фарзандлари боғчаларга жойлаштирилади.

Олмалиқ, Оҳангарон, Тўйтепа шаҳарларида яшовчиларнинг ишга қатнашлари учун график бўйича комбинат томонидан махсус автобус маршрутлари йўлга қўйилган.

ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИНИ СОТИБ ОЛИШ ИСТАГИДА БЎЛГАН КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ҳисоблаш техникасини ремонт қилиш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича

ТОШКЕНТ ТАЖРИБА ЗАВОДИ

тайёрловчи-заводлар билан тузилган шартномага мувофиқ СМ-1700, СМ-1420 ҳисоблаш комплексларини етказиб беришни ва улар асосида автоматлашган иш жойларини (АРМ) таклиф этади.

Программа билан таъминлашни ҳам етказиб бериш мумкин. Завод, Вильнюсдаги «Сигма» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги база сервис корхонаси сифатида Сизнинг корхонангиз харид қилган техникани ишга туширади ва хизмат кўрсатади.

Қўшимча ахборот ва маслаҳат олиш учун 72-00-77, 72-00-78 телефонлари бўйича мурожаат қилинсин.

Буюртмалар қуйидаги манзилгоҳга жўнатилсин: 700156, Тошкент шаҳар, Сегизбоев кўчаси, 1-уй.

Телетайп 116184 ГАММА.

РАҲБАРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент қурилиш Бош бошқармасининг «Тошкент қурилиш механизацияси» трести Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти корхоналари ва ташкилотларидан

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

механик равишда ерга ишлов бериш ишларини бажариш ҳамда автобензин ва дизель ёқилғисига алмаштириш йўли билан паст қаватли уйларни қуриш учун КБ-100 типидаги 5 тоннагача юк кўтара оладиган минорали кранларни таклиф этади.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700017, Тошкент шаҳри, Киров райони, академик Сулаймонова кўчаси, 49-уй.

Телефонлар: 33-06-39, 33-06-78, 33-07-31.

Тошкентдаги 1- ва 2-давлат тиббий институтлари ректоратлари, партия ва касаба уюшмалари қўмиталари жамоалари 2-Тошкент давлат тиббий институти биохимия кафедрасининг мудири, медицина фанлари доктори, профессор О. А. Аброровга онаси

Маҳбубахон РАҲИМБЕК қизининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Қомус» Бош таҳририяти жамоаси илмий муҳаррир А. Каримовага отаси

Абдураҳим КАРИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

А. Р. Беруний номли Тошкент политехника институти ректорати, жамоат ташкилотлари ва философия кафедрасининг жамоаси шу кафедранинг катта ўқитувчиси Э. Р. Қодировага турмуш ўртоғи

Азим Шарипович МАҲМУДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-16, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

№ 181. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12